

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 171 (6. 960)

1989 йил 27 июль, пайшанба

Баҳоси 4 тинг.

СОВЕТ ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМА

Сўнгги вақтдаги воқеалар, иш ташлаш ва стачкалар, ҳали у, ҳали бу регионда содир бўлаётган миллий моjarолар мамлакатимиз даги қайта қуриш ўткир ва оғир даврни бошдан кечириётганини кўрсатиб турибди. Туб иқтисодий ислохот, демократиялаш, ошкоралик жараёнининг янада ривожланиши учун курашаётган барча кучларнинг бир ёқадан бош чиқариб бирлашишини талаб қилаётган вазиёт вужудга келмоқда.

СССР Олий Совети меҳнаткашларнинг қонуний талабларига қўйилади ва бу талабларни қўллаб-қувватлайди, меҳнаткашлар қайта қуришни яна ҳам қатъият билан амалда оширишга, барча одамлар, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси меҳнат қилиши ва яшаш учун янги шароитларни барпо этиш йўлидаги бюрократия таварлини бартараф этишга интилишга тинимсиз батамом тушуниб турибди.

СССР Олий Совети халқ олдидаги ўзининг бутун масъулиятини англаб, Иттифоқ ҳукумати зиммасига ҳозирнинг ўзидаёқ озиқ-овқат, транспорт, савдо, соғлиқни сақлаш, шаҳарлар ва қишлоқларда уй-жой қурилиши, меҳнат режими ва меҳнатга ҳақ тўлаш, дам олиш шароитларига дахлдор сира пайсалга солиб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишга дарҳол бутун диққат-эътиборни қаратиш вазифасини юклайди. Депутатларнинг тақлибига кўра, яқинда халқ истеъмоли товарлари ва доридармонлар сотиб олишни 10 миллиард сумлик кўпайтириш тўғрисида қабул қилинган қарор бу борада ёрдам беради. СССР халқ депутатлари партия, касба союzlари, жамоат ташкилотларининг ўз бюджет маблағларининг бир қисmini 1989 йилнинг октяб-ридан бошлаб ҳам таъминланган ки-шилар пенсияларининг энг кам даражасини оширишга ажратиб тўғрисидаги ташаббусла-рини қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз, республика ва маҳаллий ҳокимият органлари, барча меҳнат коллективларига мурожаат қилиб, одамларнинг ҳаётий эҳтиёж-ларини қондириш учун имкониятлар ва мод-дий ресурсларни қатъият билан қидиришга даъват этамиз.

СССР Олий Совети ҳозирги ва кўзга се-сиялар мобайнида меҳнат коллективларининг чинакам мустақиллиги ва ўзини-ўзи бош-қариши таъминлайдиган, корхоналарни бош-қариш ва ўз меҳнати натижаларидан фойдала-ниш ҳуқуқини берадиган, амалда деҳқонлар қўлига ерни топирадиган, республикалар-нинг суверенитети ва ҳўжалик ҳисобининг таъ-минлайдиган, халқ вакиллари ҳокимиятнинг маҳаллий ва республика органлари де-мо-кратик йўсинда сайлаш учун, ҳар бир граж-даннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳўма қилиниши учун шарт-шароитлар яратадиган қонунларнинг қабул қилинишига қафолот бе-ради. Мулкчилик, ер ва ердан фойдаланиш ҳақидаги, ижара ва ижара муносабатлари, кор-хона тўғрисидаги, иттифокдosh республикалар-нинг умумий асослари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий ҳўжалик умумий асо-лари тўғрисидаги касба союzlари, виждон эркинлиги, матбуот ва ахборот тўғрисидаги қонунлар ва бошқалар ана шундай қонунлар-дир.

Олий Совет маҳаллий Советларга бўлажак саяловни имкони борица яқинлаштиришни ва бу саяловни чинакам демократик негизда ў-казишни, раҳбарлиқни мустахкамлашни, дав-лат аппаратини малакаси ва қобилиятсиз хо-димлардан тозалаш, бошқарув аппарати-ни қисқартириш ва ноҳақ имтиёзларни бекор қи-лиш йўлини қатъият билан ўтказаверишни

мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Фақат Сиз қўллаб-қувватлаган, ишчилар син-фи, деҳқонлар, аиеллар, барча интимоий ҳа-ракатлар, иқтисодий ва сиёсий ислохотни амалга оширишда, барча даражалардаги бош-қаруви демократиялашда, тараққиётимизнинг етилган муаммоларини амалий ҳал этишда актив қатнашган тақдирдагина биз қатъият билан, аниқ мақсадли қўллаб ҳаракат қила оламиз ва ҳаракат қиламиз.

Жамиятимиз иқтисодий структурасида, одамларнинг бутун ҳаётида теран ўзгаришлар-ни амалга ошириш учун вақт кераклиги, зўр бериб ҳалол меҳнат қилиш лозимлиги тушу-нарлидир. Яқин давр ичидаёқ меҳнат ва со-циал моjarоларнинг тартибга солиб турадиган қонун қўриб чиқилади, инсонни бюрократизм ва бебошликдан муҳофаза қилаётган қаро-лотларни мустахкамлаш чоралари қўрилади. Иш ташлаш ҳаракати, турли регионлар-даги миллиятларо моjarолар ишга ердам бермапти. Балки халқ ҳўжалигининг кўп тар-моқларида шунга ўхшаш воқеаларни келтириб чиқариши, экономикадаги тангликни кучайти-риши, иш ташлашларда ўртага қўйилаётган масалаларнинг ҳал этилишини кечитириши, қайта қуришни кескин сусайтириб юбориши мумкин. СССР ҳўкумати СССР Олий Совети-нинг топиригига мувофиқ, кам таъминлан-ган одамларнинг пенсиялари ва нафақаларини ошириш учун бир ярим миллиард сумлик маб-лағни қидираётган бир вақтда иш ташлашлар-дан қўрилган зиён ҳозирнинг ўзидаёқ неча юз миллион сумга етди.

СССР халқ депутатлари тарихимиз учун қийин ўтиш даври бўлган ана шу паллада Сиз-дан, ўз сайловчиларида, ҳар бир совет киши-сидан ҳамжиҳатлик ва мадад, уюшқоқлик ва эзгу ишларни кутмоқдалар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ.

Тўпа ҳўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

Ижарачилар ранжимасин

○ Шу йил март ойдан бошлаб «Компрессор» заводи-нинг 4-цеҳи ишчилари ижарачи бўлишди. Ҳўжалик ҳис-обининг бу босқичига ўтишга тайёргарлик жараёни узоқ давом этди. Коллективнинг умумий йиғилишида цеҳни ижарага олиш ҳақида кўп мунозаралардан сўнг шунга қа-рор қилинди. Завод маъмурияти билан шартнома имзо-ланди. Дастлабки уч ой ўтди. Ҳўш, натижа нима бўлди?

— Ўтган уч ойда ишлаб чиқариш самарадорлиги 107 фоизни ташкил этди, — де-ди цеҳ бошлиғи Ю. З. Аро-нсий, — маош қисман ошди. Бу жўғина жавобдан ҳам-ма иш қўйилмади кет-япти, деб ўйлаш мумкин. Би-роқ план бажарилиши, ойлик кўпайиши ҳали ижарачилар тўла манфаатдор деган гап эмас. Ижарага ўтишдан мақ-сад маҳсулот қўламини оши-риб, сифатини яхшилашдир. Бу эса ўз-ўзидан моддий манфаатдорликка бориб та-қалади. Цеҳ яқин-яқингача бир амаллаб план бажариб, гоҳида бажаролмай юрган унастка эди. Темирчилик би-лан шуғулланадиган ишчи-лар Ю. З. Ароносиёвни ўзла-рига раҳбар қилиб сайла-ганларидан кейин иш бироз юришди. Иккинчи смена ҳам ташкил этилди.

Илгаригидек баҳона из-лаб, бекор қолган соатлар учун пул ундириш эмас, им-коният топиб план бажариш асосий мақсад бўлди. Тез орада илгирлар қаторига чи-қиб олинди.

— Ижара пудратига ўтиш ҳақида кўп вақт бош қоти-ришга тўри келди, — деди завод бош экономисти В. С. Тер-Карпетов. — Чунки пухта тайёргарликсиз, иш-чиларнинг розилигисиз, уларни зўрлаб ижарага ў-казиш мумкин эмас. Биз халқ истеъмоли буюмлари ва темирчилик цеҳининг ижа-ра пудратига ўтишга ёр-дамлашдик. Ишчиларга ту-шунтириш ишларини олиб бордик. Шахримиздаги ижа-рачи ташкилотлардан му-тахассислар қағирдик. Ал-батта иш осон кўчмади. Дастлаб анча қийинчилик бу-лди. Ҳозирги кунда заводдаги умумий ишчиларнинг 20 фои-зи ижарачи ҳисобланишди.

Шу ўринда темирчилик цеҳидаги натижалар анча ду-руслигини айтиб ўтмоқчи-миз. Кейинги беш ойда бар-ча кўрсаткичлар олтига би-лан бажарилиди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 109 фоизга урдаланди. 17 минг сум соф-фойда олинди. Шундан 2 минг суми ишчиларга муко-фот тарикасида тарқатил-ди. Санайверсак, раҳматлар кўп. Ижара тўғрисида кўла-кириштилаётган ютуқлар ҳам талайгина. Бироқ ижарачи-ларнинг янги иш услубидан ҳали қўйиллари тўлмаёт-гани бизни ўйлангир-моқда. Нега шундай? Бунинг сабаблари кўп. Шулардан айримларини айтиб ўтсак. Халқ истеъмоли буюмлари цеҳининг С. Раҳматуллаев бошлиқ бригадаси ярим оқиқ ерда ишлайди. Шу цеҳнинг металлarga сайнал бериш унастаси ҳам иш-лаш учун анча тор бўлиб қолган. Ойнанинг бир томи-нига бўёқ бериб кўзга тай-ёрланадиган бўлим билан тайёр маҳсулотларни истеъ-молга жўнатиш бригадаси бир ерда жойлашган. Бўёқ ҳиди ҳаммаёқни тутиб ке-тган. Темирчилик цеҳи эси-ки бинога жойлашган. Даст-гоҳлар ҳам янги эмас.

— Машина-механизмларни бир амаллаб ишлатилмас. Бироқ таъминот масаласи бизни қийнапти. Гоҳида ме-талл йўқлигидан бекор қо-лсак, гоҳида дам олиш кучи ҳам ишлашга тўғри келяпти, — деди цеҳ ишчиси Ғ. Имом-алиев.

— Айтинчи, ижара пуд-ратига ўтиб ишлаш афзал бўлганми?

— Умуман, мен ҳўжалик ҳисобининг бу босқичига та-рафдорман. Имкони бўлса, бутун заводни ижарага ў-казиш керак. Бироқ ижарага ўтгандан кейин унинг қонун-қондаларига ҳамма, шу жум-ладан завод раҳбарлари ҳам амал қилиш шарт. Барча

оғирлиқни ишчиларга таш-лаб қўймаслик керак. Мен 16 йилдан бери заводда иш-лайман. Агар ишчилар учун ҳамма шароит яратилса, ай-ниқса иш фронти, ҳам ашё таъминоти уалуксиз равиш-да бўлиб турса, ишчилар қўйилмайдиган сифатли мақ-сулот тайёрлаб берадилар.

Бош иқтисодчининг таъ-киллашча, йил охиригача яна 3 та цеҳ ижарага ўт-казилди. Бу яхши ният. Қай-та қуриш, жадаллаштириш талаб этётган бир пайтда изоланиб, юксалик сари одимлаш айтин муқдо. Кор-хонанинг иккита цеҳи ижара пудратига ишлатилганини ҳамма ишчилар яхши били-шди. Уларнинг натижалари билан ҳам қизиқишди. Ижа-рачиларнинг бутун муваффа-қияти эртага бошқа ишчилар-нинг ҳам янги иш услубига ўтишларига замин бўлади.

— Тўғри, машина-мех-анизмларимизнинг бир қисми анча эскириб қолган. — де-ди бош экономисти. — Биз уларни секин-асан замоналаш-тастдоқларга алмаштирилмиз. Рақамли программа билан бошқариладиган автомат дастдоқлардан иборат участ-камиз ишляпти. У ерда меҳ-нат унумдорлиги универ-сал дастдоқларнингига қара-ганда икки баравар юқори.

Шу ўринда инсон омили-ни ҳам эсдан чиқариш керак эмас. Ишчилар фақат иш ва маҳсулот талаб қилиш даври ўтди. Меҳнат киши-с учун ҳамма шарт-шароит муқайё бўлиши керак. Дам олиш, танаффус вақтида бориш ҳордиқ чиқариш иш унумдорлигининг ошшига омил бўлади.

Ижарага бердим, бу ёғи ўзинга ҳавола деб қўл ко-вуштириб ўтириш мумкин эмас. Чунки ижарачи ишчи-лар умумманфаат йўлида меҳнат қилишди. Хулоса қилиб айтганда, ижара пуд-ратининг афзалликлари яқ-қол намоен бўлсин. Ҳўжалик ҳисобининг муаммолари тў-лиқ ҳал этилиши керак, то-ки ижарачилар ранжимасин.

Ш. САДРИДИНОВ.

Қудратимиз—дўстликда

Қардошлик риштаси узилмасин

Матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзе-бикстон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳо-лисига Мурожаатномаси биз меҳнат қила-ётган тўқимачилик қўшмаиши ишчилари орасида қизгин муҳокама қилиняпти. Маз-кур Мурожаатнома ўз вақтида, бутунги куннинг асосий масалаларига қаратилган бўлиб, кўпминг кишилик республикамиз аҳолисининг дил сўзларини фойдалаган.

Бизнинг корхонамиз кўп миллиятли кол-лектив. Унда турли халқ вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилишди. Фарғона vodiисига бўлиб ўтган воқеалар ҳаммамизни бутунги кун воқеалари ҳақи-да чуқур мулоҳаза қилишга урдади. Чун-ки бўлиб ўтган ҳодисалар кишини ҳайрат-га солади. Ахир бизнинг ўзбек халқимиз азалдан энг меҳмондўст, энг дилкаш, дўст-лар оғирини енгил қилиб келган халқ ҳис-обланади-ку! Улуг Ватан урушининг су-руни, оғир йилларида юзлаб бошқа мил-лат вакиллари кучоқ очиб кутиб олган, улар билан сўнгги бурда номгача баҳам кўрган ана шу халқимиз эмасми? Фарғо-на vodiисидagi воқеалар ҳақида бутун ҳамма гапиряпти. Базми жойларда миш-мишлар авж олиб кетган. Лекин вақт ўти-

ши билан ҳақиқат қарор топишга, айбдор-лар ўз жазосини олишига ишончимиз ко-мил. Аммо воқеа содир бўлган жойларда кўшлб муаммоларни ҳал қилиш, ёшларни иш билан таъминлашни ҳал қилиш ҳам муҳим бўлиб қоляпти. Қайта қуриш бу жойларнинг раҳбар ташкилотлари олди-га янада улкан вазифаларни қўйяпти.

Биз, ишчиларнинг вазифамиз эса халқ-лар орасидаги дўстлик ришталарини му-стахкамлашдир. Ҳозиргача ўзбеклар ҳамма халқлар билан қандай ахил яшаган бўлса, бундан кейин ҳам ана шу ғояларга содиқ бўлиб қолади, деб ўйлайман. Биз, ёшлар эса дўстлик ва ҳамкорлик учун ҳаракат-ларнинг олдинги сафларига бўлишимиз керак. Шу ўринда мен Мурожаатномадаги қуйидаги сўзларни келтириб, тўқувчи-ларнинг уни тўла қўллаб-қувватлашларини айтмоқчиман: «Дўстлик ва қардошлик тақ-дир бутун ўз қўлимизда. Аргамчига қил қувват дейдилар. Дўстлигимиз ини узи-масин, қаердаки унинг битта-яримта чоки сўкилган бўлса, унинг ўрнини минг қават меҳр-муҳаббат иплари билан боғлайлик. Буни сўзда эмас, амалда кўрсатадиган вақт келди».

Тошкент тўқимачилик қўшмаишининг ишчиси.

Р. АХМЕДОВА.

Халқимга ишонаман

Улуг мамлакатимиз инқилобий қайта қу-риш жараёнини бошидан кечириётган бир даврда ҳар бир ҳодисанинг ўз номи билан оқиқ-ойдин айтилиши — давлатимизнинг раънақи, унинг кун сайн мустахкамлана-ётган пойдеворига метин сингари қудрат бағишлайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзининг жамият олдида, келажак авлод олдидаги масъулиятини чуқур тушуниб етчи керак.

Тўпланиб қолган барча муаммоларни ечиш, унинг туб моҳиятини англаш учун халқимизнинг босиб ўтган тарихий йўлини чуқур ўрганиш, унга холисона баҳо бера би-лиш, ибрат қилиб кўрсатишимиз керак.

Нима учун миллий муносабатларда чи-галликларга дуч келдик? Қаерда хатолик-ларга йўл қўйдик? Бўлиб ўтган фойжалар-да кимни айблайшимиз керак? Кўпчилик худди шу ўринда ўзбек халқининг шаънига ноғури сўзларни айтмоқда, бу нафақат халқимизнинг, ҳатто бошқа қардошлари-мизнинг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбеклар тақдирининг оғир синовлари-ни бошидан кечирган, машаққатли кунлар оловлариде тобланган бағри кенг, меҳри дорё ҳалқдир. Буни ҳамма билади. Қал-бидати саҳаватни, меҳру оқибати йиллар бўронларидан авайлаб олиб ўтиб келаётган фидойи халқдир. Ажойиб удуллар, янги-янги анъаналар халқимизнинг гулдаста ка-би гўзал ижобий фазилатларига узукка кўз қўйгандек ярашиб, файз, қирой бахш этмоқда.

Хеч кимга сир эмаски, халқимизнинг оли-жаноб хислатларидан бири — қадим-қадимдан қардошликка, дўстликка садоқати саналган. Бу дўстлик Улуг Октябрь со-циалистик инқилобиди, айниқса, Улуг Ватан урушининг сурони йилларида имтиҳондан ўтган. Урушнинг биринчи йилларида ота-онасидан, уй-жойдан, ош-нонидан ажрал-ган минглаб болаларнинг жовдиратган кўз-ларини ким унутади! Наҳон аҳли ўшанда ўзбек халқининг ҳўмийати, меҳр-муҳаб-батига таҳсиллар ўқиган эди. Ўзбекининг юрти русга ҳам, украинга молдавнинг ҳам

бошпана бўлганди. Халқимиз сўнгги бурда ишонин қардошлари билан баҳам кўрган-ди. «Сен етим эмассан!» қағирғи худди кўёш нуридек минглаб юракларга ҳаёт наъшасини солганди.

Миллатларро байналминал дўстлигимиз-нинг бузилишига, турли миш-мишлар, адо-ват сабаб бўлишига, турлар билан ўзбек-ларнинг дўстлик ришталари узилишига йўл қўймаймиз. Бу — ўзбек халқининг юрак даъватиди!

«Ўзбек тарихиан байналминал халқ! Бай-налминал фазилатлар унинг қон-қонига ва томирига сингир кетган улуг меҳри!» Шундай халқни йўлдан тойдирмоқчи бўл-ганларнинг, унга миллатчилик тамасини босмоқчи бўлганларнинг уриниши бекуда», — дейилди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқи-га, республиканинг барча аҳолисига Му-рожаатномасида. Бу сўзлар ҳаммамизнинг қалбимиздаги гаплардир. Чунки ўзбек халқи ҳаминча ёрқин келажакка, нурга, истиқболга, эзгуликка интилган. Улуг мамлакатнинг ажралмас бир бўлаги бўлган халқимиз ўзида муҳассаллашган барча олижаноб хислатларини намоен, этиб, келаж-жак авлод учун ибратли дўстлик мактаби яратишга ишончим комил.

Эртанги кунимизнинг тинчлиги, эртанги кунимизнинг истиқбол учун бутун қўли-қўлга бериб дилни дилга янада маҳамроқ улашимиз шарт! Бу ҳар бир совет киши-синг инсоний бурчи. Бу — давримизнинг тақозоси.

Куч — бирликда, Тинчлик — дўстлик-да. Дўстлик эса юракда, ширин сўзда. Мен ўзбек халқига — она халқимга ишо-наман.

Х. ОТАМАТОВА.

Октябрь район партия комитетининг сек-ретари. «Тошкент оқшоми» газетасининг бугун-ги 2-сахифасидаги материаллар ҳам халқлар ўртасидаги дўстлигини, миллатларро муноса-батларни мустахкамлашга бағишланган.

ТОНГИ ГАЗЕТАЛАРДА

○ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 25 июлда амалий визит билан Москвага келган Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Раиси Р. Нерш ва ВСИП. Бош секретари К. Гросс билан учрашди.

Сўзбетада социализмни янгилашнинг ҳазирги босқичи му-аммолари, Совет-Венгрия ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Учраш ҳақидаги ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

○ СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг Печора кўйир ҳавзаси, шунингдек Днепротровск область Павлоград шахри шахтёрлари забастовка комитетларининг вакиллари билан учрашуви ҳақида хабар берилган.

○ Республика газеталаридан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Москвадаги доимий ваколатхонасида депутатлар штаби ташкил этилганини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 25 июль кўни бўлиб ўтган мажлиси ҳақидаги хабарлар ўрни олган.

ЖАМОАТЧИЛИК ЙИГИЛИШИ

Куба Республикасининг миллий байрами — Мил-лий кўзғолон кўни муноса-бати билан Тошкентдаги «Компрессор» заводида 26 июль кўни тантанали йиғи-лиш бўлди. Йиғилишда Ўз-бекистон пойтахти жамоатчи-лигининг вакиллари иштирок-этдилар.

(ЎЗТАГ).



«Маҳалладosh»— «Наврўз» меймони

Шаҳар маҳаллалар комитетлари ишини мувофиқлашти-риш кенгашининг Ҳамза район Янгибод массиви «Наврўз» чойхонасидаги навбатдаги сайёр йиғилиши газетамизга илова тарикаси-да чиқарилаётган «Маҳалла-дosh»нинг бевосита ташки-лотчилиги ва иштирокида ўтди.

Кеча ўтказилган ушбу сай-ёр йиғилишда СССР халқ депутатларидан Ўзбекистон насаба союzlари республи-на Советининг раиси Қ. Али-мова, Ўзбекистон ССР Ани-лар академияси Экономика институту директорининг ўринбосари, иқтисод фанла-ри доктори, профессор Р. А. Ўбайдуллаева, шoir А. Ори-пов СССР халқ депутатлари биринчи съезидagi ишти-роклари, сайловчилар нақа-ларини қандай бажаряётган-лари ҳақида ҳисоб бердилар.

Йиғилишда маҳаллаларни ободонлаштириш, тарбия иш-ларини яхшилаш ҳақида ба-тафсил гап борди. Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқи-га, республиканинг барча аҳо-лисига Мурожаатномасини кенг тарғиб қилиш, маҳал-ларда интернационал тар-бияни кучайтириш масалала-ри алоҳида эътибор берил-ди.

Тўпланганлар «Маҳалла-дosh»нинг фаолияти, келгуси

режалари билан танишдилар. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети иккита коми-тети раисининг биринчи ўрин-босари, шаҳар план комис-сиясининг раиси Қ. А. Соли-хов ва шаҳар Совети иккита комитети раисининг ўрин-босари, ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Е. Окунжонов маҳаллаларда-ги муаммоларга оид савол-ларга жавоб бердилар.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секре-тари К. Р. Расулов иштирок-этди.

«Тошкент оқшоми» газе-таси редакцияси коллектив «Маҳалладosh»нинг «Наврўз» чойхонасидаги учра-шувида маданий хизмат кўр-сатган аъмсаюлар маданий саройи қосимдаги Аҳмадиюн Йўлдошев раҳбарлигидаги «Самос театр-студияси ба-дий ҳаваскорларига, «Ўз-бекконцерт» бирлашмаси-нинг Шерқўз Ғозиев раҳ-барлигидаги «Ханда» сати-ра-юмор ансамбли санъ-аткорлари Мавлуда Турди-ева, Баҳодир Тўраев, Эно-вуддин Абдуллаев, Мирса-лим Мухаммадзонов, Нурди-дин Сайдалиев, Зуфар Ра-монов ва ансамблининг музика раҳбари Бахтиёр Исмаилов-ларга ўз миннатдорчили-гини изҳор этди.

СУРАТДА: «Наврўз» чой-хонасидаги учрашувдан лав-ҳалар.

Т. Каримов суратлари.

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленуми олдида



СССР—бизнинг уйимиз

Қалблар бирлашган жойда

НАВБАТДАГИ меҳнат куни бошланди. Цехдаги моторлар ҳаракатга келиб, станоклар ишга тушди. Цех мастери Наталья Ивановна бригадаларини айланиб юраркан буюмларга сайқал бериш коллективи сардорининг иш жойи бўш турарди.

— Кичкинамининг мазаси йўқ дейётганди, келиб қолар,— деди Н. И. Ерофеевни кўриб У. Расулов,— урнини билдирмайсиз.

Шу орада Наталья Гончареванинг ўзи келиб қолди.

— Улгингиз тузукми?
Наталья бригада аъзоларининг таскинидан, меҳрибончилигидан кўнгли тоғдек кўтарилди. У асли киловодсклик. Турмуш ўртоғи Равшан Совет Армияси сафида хизматни Наталья яшаган шаҳарда ўтказди. Улар турмуш қуриб Тошкентга келишди. Икки фарзандлари бор. Равшан шахримиздаги қурилишларнинг бирини ишлайди. Натальанинг «Компрессор» заводида иш бошлаганига ҳам 10 йилдан ошди.

Заводнинг халқ истеъмоли буюмлари тайёрланадиган цехида 10 дан ортиқ миллат вакиллари ишлайди. Бир-бирига ҳамдам, аҳил коллектив ўзаро келишиб, маслаҳатлашиб цехни ижарага олишди.

— Цех Салоҳиддин ака Раҳматуллаев бошлиқ бригадани бошланади,— деди ҳамроҳини Н. И. Ерофеева.— Сардорнинг бу ерда ишлаётганига 18 йилдан ошди.

Иш жараёнини кузатамиз. Оддий темир тунука кесиш дастгоҳига узатилади. У ерда оёқ кийим кийганда қўлланиладиган қошиқнинг дастлабки шакли пайдо бўлади. Кейинги дастгоҳда эса бир томони кесилиб, бир оз эгилади, учинчи дастгоҳ эса охириги темирчилик ишини бажаради. Дастгоҳларни рус Михаил Дубровин, туркман Жўра Аппаев, украин Николай Стасюк ва Салоҳиддин аканинг ўзи бошқаришди. Бир оддий буюмда 4 миллат вакиллари меҳнати бор. Бу ерда шунингдек турли шаклдаги кўзгуларнинг четига қопланадиган темирлар ҳам тайёрланади. Буюмлар дастлабки шаклини олгандан сўнг сайқал бериш бўлимига ўтказилади. Н. Гончарева бошлиқ коллектив кимёвий ағдаришлар ёрдамида рангсиз темирларга кумуш тус беради. Тайёр бўлган материаллар йиғув бригадасига юборилади.

Турмушда қўлланиладиган оддий кўзгулар шу цехда ишлаб чиқарилади. Украин Янгити, байналмилалчи-жангчи А. Махно ойна кесувчи вазифасида ишлайди. Кератли рамада кесилган ойналарнинг бир томонига ранг бериш машина ёрдамида амалга оширилади.

Украин машина тинмай ишлаб турибди. Бир томонда оддий ойна лентига қўйилади, иккинчи томондан эса бўлган, қўриб тайёр бўлган кўзгу чийилти. Худди шу ерда уларнинг четига темир мосламалар қопланиб, завод маркази ёпиштирилиб, яшиқларга жойланган.

— Мен немис қизиман,— деди Ўзғир Инина Карловна Гуммель деб таништирган аёл.— Тошкент мен учун она шаҳрим. Чин қалбимдан севган шаҳарда яшайдиган, мен билан бирга ишлаётган кишилар эса туғишларимизда бўлиб қолишган.

Цехда 20 дан ортиқ турдаги халқ истеъмоли буюмлари тайёрланади. Ижарачиларнинг ишларида ютуқ, шунингдек халқ қилиниши керак бўлган муаммолар ҳам талабгина. Баҳамжидатлик билан ишлаш, бир-бирини тўғри тушуниб, фалс. қўноқчилик билан умумхалқ манфаати йўлида хизмат қилиш коллективнинг мудоаси, муваффақиятнинг омили бўлмоқда.

С. ШАМСИДИНОВ.

Уйғурлар

Байналмилал ўзбек оиласи аъзоларидан бири уйғурлардир. У қурамынинг қадимий халқларидан ҳисобланган, жаҳон маданияти хазинасига қўшган ҳиссаси жиҳатидан салмоқли ўринларни эгаллайди.

Уйғурларнинг аجدодлари ҳисобланган хунн қўчманчи қабиласи миолдан олдинги III асрда шарқий Туркистонда истиқомат қилинган. Эрамининг VIII асрида олдин жусон, сўнгра турк ҳокимлиги таркибда бўлиб, няхот кейинги ҳокимлик иқтирозидан кейин Ўрхун дарёси соҳилларида уйғур феодал давлати вужудга келди. 840 йилда энасий қирғизлари томонидан тор-мор этилган, Ганусу (Хитой) ва Турфон воҳисиди (847—1369 йиллар) иккинчи мушқил уйғур давлати шаклланди. Уш иккинчи асрда бу давлатларнинг бири таъинлар, иккинчиси қорахитойлар вассалга айланди. Истилочилар ҳукмронлиги узок давом этди. Шарқий Туркистонда XVIII—XVIII асрларга таъриқ қилинган уйғурлар 1760 йилда Хитойдаги манжурлар томонидан босиб олинди.

Уш йиллар давомида маҳаллий феодаллар асорати остида яшаван бу халқ фақат Хитой халқ революциясида кейинги ва рушодлик қўрди. 1955 йилда Синьцзян Уйғур Автоном республикаси вужудга келди.

Совет Иттифоқида уйғурлар асосан Қозғоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон республикалари территорияларида яшашди. Уларнинг умумий сони бизда ҳозир 200 минг кишидан ошди. Хитой феодал ҳукмати зулмидан қочиб Ўрта Осиёга кетган уйғурларнинг катта қисми Ўзбекистон ва Фарғона музофотларида жойлашганлар. 1921 йилда Тошкентда бўлиб ўтган уйғурлар вакилларининг съезидида қадимий «уйғур» атамаси умуммиллий ном сифатида қайта тинланган эди.

Уш Октябрь инқилобидан кейинги ўтган давр ичидида уйғурларнинг ўз миллий эълиси таркиб топди, қўп-

лаб олимлар, иқтидорли адиблар, машҳур санъаткорлар етишиб чиқди.

Айниқса, бу халқ вакиллари Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатилишда аҳолий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. Ана шундай инқилобчилардан бири қадимий Ёрқент (ҳозирги Панфилов) шаҳрида туғилиб воғта этган, граждандар уруши қаҳрамони Маҳмуд Хўжамировдир. Маҳмуд дастлабки маълумоти ўш эшиқда қароллик қилган Хўсамбойдан олди. Сўнгра Россиянинг Гўлжадаги консулхонаси қошида ташкил этилган тузем мактабда таҳсил қўрди. 1918 йилдан бошлаб у Туркистондаги революцион

ҳаракатларда бевосита иштирок этади. Инқилоб ғалабаларидан кейин милиция ва давлат хавфсизлиги органларида хизмат қилади.

Уш пайтларда атаман Дутов каллаесарлари тинч аҳолий қирон солиб юрарди. Минг-минглаб беғуноҳ кишилар қонини тўққани учун оқ гвардиячилар атамани дала халқ суди томонидан сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинади. Бу ҳукм иқроси ақойий уйғур фарзанди Қосимхон Чанишев бошчилигида Маҳмуд Хўжамиров, Азиз Умурбоев, Юсуф Қодиров, Муқутай Жигитиев ва Қўдус Байсимоновлардан иборат группа зиммасига юклатилди. Ана шу операцияни муваффақиятли бажарилиши учун группа аъзолари Ф. Э. Дээржинский мингатордорчиликка, М. Хўжамиров эса ЧК раҳбари имзоси билан олтин соат ва маузер билан мукофотланишга сазовор бўлишди.

Дутовнинг ўлими учун бандитлар уйғур йигитларини кечирилари қийин эди. Шунинг учун ҳам уларга бир неча марта суқасд уюштирилди. Жумладан, 1936 йил 31 декабрда Маҳмуднинг рафиқаси ва 9 йашар қизини сўйиб кетишди.

Қатагон йилларида қўпчилик қатори уйғур эъливлари бошига ҳам кулфат ёғилди. 1937 йилда М. Хўжамиров ва бошқа ниқчилоблар ҳеч асоссиз қамовқа олинади, баъзилари отиб ташланади. Фақат етмишчи йилларга келиб вафотидан кейингина улар оқланади.

Қ. ЖУМАНИЕВОВ. Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг таълиқатувчиси.

Мусаффордир меҳр чашмаси

СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚИСМАТИ БИТТАДИР. ОЛДИМИЗДА ПАЙДО БУЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР, ЖУМЛАДАН ЖУДА МУРАККАБ МАСАЛАЛАР ДЕМОКРАТИК МУҲОКАМА, САБР-ТОҚАТ ВА БИР-БИРИГА ЭЪТИБОРЛИ БУЛИШ АСОСИДА ҲАЛ ЭТИЛИШИ МУМКИН ВА ШУ ЯЎСИНДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА. БИЗНИНГ БУНДАН БОШҚА ЙЎЛИМИЗ ЙЎҚ. БУНИ ЯХШИ ТУШУНИБ ОЛИШ БИЛАН БИРГА ШУНГА ЯРАША ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ҲАМ КЕРАК.

(М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқидан).

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ТАҚДИРИ БУГУН ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА. АР-ҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ ДЕЙДИЛАР. ДЎСТЛИГИМИЗ ИПИ УЗИЛМАСИН, ҚАЕРДАКИ УНИНГ БИТТА-ЯРИМТА ЧОКИ СУКИЛГАН БУЛСА, УНИНГ УРНИНИ МИНГ ҚАВАТ МЕҲР-МУҲАББАТ ИПЛАРИ БИЛАН БОҒЛАЙЛИК.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўзбек халқига, республиканинг барча аҳолисига Мурожаатномасидан).

Бир оила фарзандларидек



«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқаришда қўлга киритаётган ютуқларининг боиси нимада деган савол бизни ўйлантириб қўйди. Бирлашмага бориб кўп кишилик коллектив аъзоларининг айримлари билан суҳбатлашган пайтимида бу ердаги аҳиллик, иноқлик, дўстлик ва биродарлик туйғуларини эриштириб ютуқларнинг асосий омили эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Келинг, биз суҳбатлашган кишилар билан сизлар ҳам яқиндан танишинг.

О. Лидия Николаевнанинг бу ерда меҳнат қилаётганига ҳали учинчилик кўп бўлган йўқ. Ленин ҳар бир инсон ўз касбига меҳр қўйса, асло кам бўлмас экан, Буни Л. Н. Астахова мисолида яққол кўриш мумкин.

— Мен бу ерга келиб ўзимнинг ҳақиқий бахтимни топдим, шу ерда Анатолийга турмушга чиқдим,— дейди Лидия Николаевна.— Ишчи коллективимдан эса бениҳоя хурсандман. Нега дейсизми? Улар турли миллатга мансуб бўлишса-да, бир оиланинг аҳил фарзандларидек меҳнат қилишиб, бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатишмоқда.

О. Лидия Николаевнанинг ана шу фикрларини татар ўғли Руслан Төменев ҳам бир овоздан тасдиқлади. Унинг бирлашма конструкторлик бюросида олиб бораётган ишларидан кўпчилиги мамнун. Бу ерда у токар-чархловчилик касбининг энг нозик сирларини пухта эгаллаб олди.

— Бизнинг касбимиз заргарларнинг касбидек нозик,— дейди Руслан.— Шу боисдан ишга масъулият билан, сидқидилдан ёндошиш керак. Шундагина қўланган мақсадга эришиш мумкин. Конструкторлик бюросидаги турли касб ва турли миллатга мансуб ҳамкасб дўстларимиз билан доимо бамаслашатиш олиб бораётганимиз туфайли қўлга киритаётган ютуқларимиз

салмоғи ҳам тобора кўпайиб борапти.

О. Владимир Викторович Кугель ҳақида бу ерда фақат илқ гапларни эшитдик.

— Бизнинг оиламизни ҳақиқий байналмилал оила деса арийди,— дейди табассум билан Владимир Викторович.— Отам Пётр Александрович— рус, онам Людмила Эдуардовна немис миллатига мансуб. Бобом ва бовим ҳам нуруний ёшга боришган. Ҳаммамиз жамулам бўлиб дастурхон атрофида тўпланганимизда яхшилик ва инсонийлик тўғрисида ширин суҳбатлар қурамыз. Ахир яхшилик ва инсонийликка нима етсин!

В. В. Кугелнинг ана шу широна ва дилдан чиққан сўзларига қўшимча қилиш қийин, албатта. Чунки Владимир Викторович дилидаги бор гапларни ҳеч қандай бежамасдан, самимийлик билан айтиб қўйди-да!

О. Виктор Пакнинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлик бюросида меҳнат қилаётганига саккиз йилдан ошди. У ўз касбининг ҳақиқий усталаридан биридир. Викторнинг умр йўлдоши Лариса Пак ҳам ҳалол меҳнати билан ўзи ишлаётган Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиғи номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини ўртасида ҳўрмат ва эътибор қозонган.

С. БОБОЕВ.

Т. Қаримов суратлари.

ИНСОНИЙЛИК АСОСИ

О. Тошкент булжа-қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари ягона оилага бирлашиб ишламоқдалар. Корхонанинг деярли барча цехлари кўп миллат вакиллари биллаштирган том маънодаги аҳил байналмилал коллективдир.

Нина Малинована етакчилик қилаётган бригада макорон ишлаб чиқариш цехининг ана шундай коллективлари қаторига киради. Унда ўзбек, рус, белорус, ар-

ман ва татар миллатларига мансуб бўлган 23 киши меҳнат қилади. Бригада коллективини сўнгги йилларда ғолиблиқни қўлдан бермай келаяпти. Ой давомида ишлаб чи-

қариш лозим бўлган 900 тонна макорон маҳсулотини сифатли қилиб ортиги билан етказиб беришди. Бригадининг Е. Шубин Ф. Умаров, Ф. Алимов, А. Одилов, Н. Габазова ва Р. Умиркуева сингари фидойи ишчилар кундалик план-топириқларини 105—108 фоиз адо этишмоқда.

Бригада аъзолари орасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни қарор топтиришда коллектив етакчиси Нина Малинованинг хизмати алоҳида. Меҳнат фаолиятининг катта

қисмини севган касбига бағишлаган бу аёл нафақат ишчанлиги билан, балки ўзига ва ўзгаларга талабчанлиги, оққончилиги билан меҳрибонлиги билан одамлар орасида ҳўрмат қозонган. Унинг ихлос қўйиб иш ўрнатган ўнлаб шогирдлари эндиликда Нина Семёновна билан ёнма-ён меҳнат қилишмоқда.

Прогулки, иш қондасини бузувчи ёки қўнғисизлик иллатларига айланишдан ҳеч қўйилган. Қўли-қўлга бериб ишлаётган коллектив меҳнат сурурини ҳам сезмоқда.

Ишчиларнинг ўртача маоши 230—240 сўмини ташкил қилмоқда. Бу демек олдин-

гидан бир ёки бир ярим ба-

равар ортиқдир. Дарвоқе, цехда ҳозирча ишлаб чиқариш жараёни бирмунча қийин тус олган. Яқиндагина бошланган технологик қайта қуриш ва реконструкция ишлари таъсир этмай қолмади. Шундай шароитда бўлса ҳам коллектив кўнунга узунчоқ вермишель ва «Саломка» макоронларидан 28 тонна етказиб беришти. Реконструкция давомида «Брайбант» маркали Италия қурилмалари ўрнатилар экан, маҳсулотнинг салмоғи ҳам ошди, сифати янада яхшиланиши кўзда тутилмоқда.

— Коллективимиз ишчилари ўртасида низо келиб чиқишига асос йўқ,— дейди макорон ишлаб чиқариш цехининг бошлиғи И. А. Рижкина. Цехимиз келгуси йилдан реконструкциядан сўнг тузла қувват билан ишга тушиб, одамлар талабини қондириш даражасида маҳсулот етказиб туради. Ҳозирги пайтдаги иқтисодий шароитга қарамай, ишчиларимизнинг кайфияти ёмон эмас. Ҳар бир киши ўз вазифасини тўлиқ бажарган ҳолда коллектив кўрсаткичнинг юксалиб боришига ҳисса қўшмоқда.

Ф. ҚУСАНОВА.

Яхши хислат—ғўзал фазилат

Билгинки, дўстлик туфайли одамлар бахтиёрдирлар.

(ҚОБУС).

Ҳозир ошкоралик даври. Қўнғилга келган ҳар бир инсофли мулоҳазани ўртага ташлаш ва жамоатчилик ҳукмига ҳавола этишнинг кенг имкониятлари очилди. Инсон қалбига яхши ҳис-туйғулар тўлиб-тошса, у сизга тинчлик бермайди. Уни айтнинг келиб дард-каҳ қидириб қолсан. Шу маънода бир воқеа ёдимга тушди.

Боалик пайтларимизда рўпарамиздан келаётган ёши улур одамга (таниш ёки нотаниш бўлишидан қатъий назар) салом бермасдан ўтмасдик, қарияларга транспортда теъда туриб жой бўштардик, катталар панд-насихатига қўлоқ турардик, кўчада ота-оналаримизга ердлашиб меҳнат қилаётган вақтларимизда, йўлдан ўтаётган кишилар «Хорманлар» деган дала сўзи канда қилишмасдик.

Одам кам учрайдиган жойларда рўпарадан юзма-юз келаётган киши билан саломлашиб ёки бош эгиб ўтиш қанчалик назокатли. Бу ахир қадимдан, ота-боболаримиз давридан давом этиб келаётган яхши уду. Бунинг нимаси ёмон? Лекин ҳозирги пайтда назаримизда, одамлар ўртасидаги бундай ўзаро муносабат, ҳўрмат, самимийлик пайсый бораётганга ўхшайди. Шу боисдан буюк ўзгаришлар даврида яшаётган эканмиз, сўз одобини, муомала маданиятини янада яхшилаш йўллари устида ўйлашимиз керак.

Бир доғишманддан: «Оламда энг кучли ва энг нозик жонот нима?» деб сўраганларида, у: «Инсон!» деб жавоб берган экан.

Дарҳақиқат, буюк табиатнинг тоғдори— инсон темирдан ҳам мустаҳкам ирода ва кеңибс кучга эга. Лекин доғишманд айтганидек, энг нозик ҳам инсон, Шарҳининг доно табиалари доридармоннинг уш хилини: шифобахш тўғх-

лар, минераллар ва сўз деб билардилар.

Чиндан ҳам сўз билан киши жонига ором бериш мумкин, лекин ўйлашмасдан оғиздан чиққан бемаъни сўз билан кишини оғир хасталикка мубтало қилиб қўйиш ҳам мумкин. Бир оғиз қўлоқ сўз ёки дағаллик инсон қалбига жароҳат пайдо қилади. Тигдан етган жароҳат битиб кетади-ю, лекин сўздан етгани битмайди, дейди доно халқимиз.

Шифокорларнинг таъкидлашича, одам ёмон сўз таъсири билан ларзага тушганда, унинг томирлари кескин тораьр экан. Ҳатто (баъзи ҳолларда) томирлардан қон ўтиши тўхтаб, қўнғилсиз ҳодисалар ҳам сабабчи бўлиши мумкин, дейдилар. Инсон дунёга бир марта келар экан ота-она, қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар, атрофдагилар эл-элалар билан биродарона яшайи, ширин суҳан бўлиши, дўстлиқни мустаҳкамлаш, қаҳр-ғазаб, ҳасад ва худбинлик ва ортиқча ҳис-туйғуларга йўл бермаслиги керак.

Инсонларнинг камтарлиги, оддийлиги, одаимийлиги ва ватанпарварлиги ўз бурчини сидқидилдан бажарилиш, атрофдагиларга кўрсатадиган меҳрибонлиги, инсонларарлигида яққол кў-

Тошкентдаги 22-ўрта мактабда Ҳокимжон ака Ҳошимов билан Фазлиддин ака Расуловни республикамиз маорифчилари мурабийи-ўқитувчилар сифатида ҳўрмат билан тилга олишди. Улар қирқ йилдан бери мазкур мактабда бир-лари директорлик вазифасини ўташ билан биргаликда, ўзбек тили ва адабиётини, иккинчилари физика фанидан толмай дарс бериб кел-моқдалар. Мен бу ҳўрматли ўқитувчилар тимсолида жамиятимизнинг ҳақиқий жонқурларини, одаимий инсонларни қўраман ва улардан доимо маънавий мадад олиб тураман.

Одам деган улур номни кўтариб турувчи буюк куч одоб билан ўлчанади, одоб — кесаларни иззат қилишдан бошланади, дейди хал-

қимиз. Ўзбек халқи ўзининг одоблигини билан қадимдан машҳур. КПСС Марказий Комитетининг Бой секретари, СССР Олий Советининг Рамси М. С. Горбачев Ўзбекистон меҳнатнашлари билан учрашувда: «Ўзбекистон халқи қадимий маданиятга эга бўлган халқдир, мана шу замин учун кўп азоб-уқубат чеккан, жуда кўп иш қилган, уни яшатиб, замонавий ўлкага айлантирган халқдир», деган эди.

Одам борки одамларнинг нақидир, Одам борки ҳайвон ундан яхшидир.

деганларидек, минг афсус, ҳаётда яхши одамлар қаторида бад-фелъ; жамиятимиз ва миллатини шаънига доғ туширадиган кимсалар ҳам учраб туради. Улар ҳис-ҳўйлик, бебурдлик, калтафаҳилик, лоайдлик билан иш тутадилар, софдлик, меҳнатнаш, меҳри кишилар ўртасида нифоқ-низо чиқарадилар, ҳар қил бўҳтон ва «миш-миш» тарқатадилар. Бундай шахслардан ҳаётда ҳеч қачон яхшилик кутиб бўлмайди. Бундай кимсаларнинг қиладиган ишлари инсонийликка мутлақо зид бўлиб, улар фақат ўзларининггина эмас, ҳатто қўпчилиқни ҳам бадном этадилар.

Она-Ватанимиз улкан, қудратли, халқимиз эса меҳнатда ясоратли. Шундай экан, биз ҳар қандай муаммоларни чидам ва ирода билан ҳал этамиз. Лекин қудратли дўстлигимизга, пок туйғумизга ҳеч қандай ғаламислик зарар етказмаслиги керак. Одаимийлик — инсоннинг фақатгина билим даражаси билангина эмас, балки унинг дўстлик ахлоқ-одоби-ю, маънавий тарбияси, умуминсоний фазилатлари билан намоян бўлади. Ўзбек халқи ғўзал фазилатларни — дўстлиқни, садоқатни, меҳмондўстлиқни, одаимийлиқни қадрлайди ва ўзи ҳам доим қадр топади.

Эркин ЕҚУБОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лаборатория мудир, техник фанлари номзоди.

Бозор-учар қилиб уйига қайтган Руқия дарвозадан кирди, ҳовлига қараб дили хуфтон бўлди. Бир соат олдин чинидай тазалаб супуриб чиқиб кетган ҳовлисида мейда-ланиб кесаклар сочилиб ётарди. У бир пасда лорулаб кетди. Қўшниси Саломат

— сөн тинч деган мақол бор Уларнинг жанжаллари жони-га теккан бошқа қўшнilar ма-ҳалла комитетидан ёрдам су-рашга мажбур бўлишди.

Қаранг-а, қўшниси билан ар-зиммаган гапга айтишиб қолган Саломат Бўтабоева унинг уйи-га кесак отар экан. Агар бу

энди қўшниси кўрганда афти-ни бужмайтирадиган, унинг гапларини ойисига етказиб ке-ладиган одат чиқаради. Узла-ри қўни-қўшни билан чиқиша олмаган ўша «катталар» бо-лага қандай қилиб «қуришма» дея олади? Боланинг «Сизлар-чи!» деган саволига қандай жавоб бера олади? Икки ора-да ён-атрофдаги қўшнilarга қийин. Буниси билан гаплашса, униси, униси билан гаплаш-са буниси тумтаяди.

Бизни яна бир нарса ўйлан-тиради: уй-жойлари бошқа, туриш-турмуши бошқа, ле-кин дили ва тили бир қўшни-лар нима учун тинч-тотув яшашлари мумкин эмас? Баъ-зан фарзандлар орасига ту-шиб уришган қўшнilarни ҳам учратамиз. Ҳали катталарнинг жанжаллари тугамасданоқ болалар бир-бирлари билан аюқ-чапоқ бўлиб кетишади. Ана ўшандан кейин ота-она-ларнинг қизаришларини кўр-сангиз эди. Гийбатчиларнинг гапларига, «деди-дедилар»-га ишониб, бекордан-бекорга қўшнilar билан уришмай, ав-вало ақл билан иш юритиш керак. Ахир, яхшиликка, одам-лар орасида яхши номга сазо-вор бўлишга, уларнинг ҳурма-тини қозонишга нима ётсин! Орамиздан ўзбекичилигимизга хос одоб асло қўтариш-маслиги зарур. Шуни унутмангки, азизларим, бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилди, деган нақл бежиз айтилмаган.

Донубувага
Ш. ИЛЕСОВА
котибалик қилди.



Бир кун жанжал чиққан уйдан...

никига югуриб кирди. Қўшни-си эса ҳовлида бамайлихотир алланималар қилиб ивирсиб юрди.

— Қачонгача бизни қийнай-сиз? Бу нима қилиқ, ахир? — бақирди Руқия.

— Вой, нега менга ёпиш-сан, сени ким чақирди ўзи? Бор, меникига иккинчи қада-мингни босма, сендай қўшним йўқ, тушундингми!..

Икки ўртада жанжал авжи-га чиқди. Ниҳоят бошқа қўни-қўшнilar аралашиб уларни уй-ўйларига қайтарилди. Қўш-нilar ўртасидаги бу воқеа шахримизнинг Ленин райони-даги Сарикжўл маҳалласида бўлиб ўтди.

Халқимизда «Қўшнинг тинч

гапни маҳалла комитетининг раиси Носиржон Абдураззо-қов айтиб бермаганларида, тўғриси, ишонмаган бўлардим. Маҳалла комитети активлари аралашгандан сўнггина жан-жал барҳам топди. Унгача қанча кишиларнинг асаби бу-зилди. Болалар-чи! Аналар ўр-тасидаги жанжал фарзандлар-га таъсир этмаслиги мумкин эмас, албатта. Бу икки оила-да ҳам фарзандлар вояга ет-япти. Ота-оналар бир-бирлари билан жанжаллашган, болалар тинч туришармиди? Ахир, онанинг отага «Сиз қўшнидан кўрқасиз, бўлакча нега уриш-майсиз!», деганлари боллага таъсир қилмади, деб ўйлай-сизми? Муштдеккина бола ҳам



Менинг кенонийм чиройли экан.
Сураткаш Р. Шарипов лавҳаси.

Кулгу—хушчақчақлик мулки

ТАНДИРГА ТАШЛАНГАН СУХБАТ

Мухбир: Ҳурматли Фигоний, аввало Сизни биринчи китоби-низ босилиб чиқиши муносабати билан табриқлайман!

Фигоний: Раҳмат, беҳад миннатдорман!

Мухбир: Айтилган, китобингизга «Тутун» деб ном қўйишда нимага асослангансиз?

Фигоний: Китобини ёзаётган чоғимда чеккан сигаретларимга.

Мухбир: Китобингизнинг бадиий қиммати хусусида нима дейсиз?

Фигоний: Авваллари «Астра» чекардим, китобини ёзишга ки-ришган кунимдан бошлаб «Опал» чеккишга ўтдим.

Мухбир: Ҳозир ҳам «Опал» чекаясизми?

Фигоний: Ҳа.

Мухбир: Китоб ёзиш жараёнингизда Сиз кўпроқ нималарга эътибор бердингиз?

Фигоний: Сигарет, гугурт, қулдон, иссиқ чой дамланган чой-нак ва пиёла доимо ёзув солим устида муҳайё бўлиб турди.

Мухбир: Китоб ёзаётган пайтингизда ўзингизни қандай ҳис эт-дингиз?

Фигоний: Торгина ҳужрам доим сигарет тутунига лиқ тула тургани учун баъзида ўзимни лоҳас сезиб, тез-тез кўнглим ай-ниб турди.

Мухбир: Ўқувчиларга қандай тилакларингиз бор?

Фигоний: Ўқувчиларга тилак эмас, битта ташлифим бор.

Мухбир: Марҳамат.

Фигоний: Ўқувчилар, менинг «Тутун»имни ўқишгаётганларида кўзларига тутунини аччиғи кириб ачшитирмаслиги учун кўз-ойнак тақиб олишларининг маслаҳат берман.

Мухбир: Бундан кейинги режаларингиз билан ҳам таниш-тирсангиз.

Фигоний: Шу кунларда «Кул» деб номланган китобимни нашр-га тайёрлаётман.

Мухбир: Ижодингиз тутаб, кулга айланмасдан милтиллаб бўл-сада шуъла сочишга тилақдошимиз.

Фигоний: Раҳмат! Кечирасиз, бемалол бўлса айтсангиз, энди бу суҳбатни қаерга бермоқчисиз?

Мухбир: Эсон-омон ҳужрангиздан чиқиб олсам, Ҳошим нов-войнинг тадбирига!

ШУНДАЙ ДЕБДИ...

— Имилламай тезроқ юрсанг-чи, — дебди тошбақа ўзи билан ёлма-ён қадамини санаб келаятган калтакесакча қараб, — нима, оёгингга тушов созинганми?

— Бунча тунд бўлмасанг, — дебди бойўғли калхатга, — қово-гиндан қор ёғадия?

— Вешарм, — дебди ашак товусни кўрсатиб, — думпиям шун-чални ўстирадимми?

— Оёқсиз, — дебди чувалчанг илонга қараб.

— Кўзингга қараб юрсанг ўласанми? — дебди кўрсичқон кўр-шапаланка ўдагайлаб.

Норматом ТОҒАЕВ.

Хайрли иш

Таом тайёрлашни ўрган, келинчак!

Биз пойтахтдаги 50-мактаб ошхонасига ки-риб бораётганимиз, коридор бўйлаб кабоб-нинг ёқилиши ҳиди билан биргаликда қандай-дир пишириқнинг иштаҳани қитқилувчи ҳиди димоққа уриларди. Ошхона зали ҳар га-лидай ўқувчиларнинг эмас, катталарнинг их-тибриди. Зеро, улар бу ерга таом тайёрлаш сирларини ўрганиш учун келишган. Курс тингловчиларга ҳалақит бермаслик учун зал-нинг бир чеккасига ўтириб, уларни кузатаман. Ҳа, Гавҳар опа ва унинг шогирдлари учун бугун ўзгача кун. Негаки, «ЖО» коопера-тив таркибида миллий таомлар тайёрлаш бўйича ташкил топган «Пазандалик» курси қатнашчилари бугун сўнгги бор йиғилишмоқ-да. Энди ҳар ким ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатиши керак. Ҳадемей таомлар юзасидан кинолар бошлангиди.

— Хайрли ишга қўл урибсиз, опа...

— Ниятимиз холис. Асосан ёш қизларга, уй бекалари ҳамда унутилиб кетаятган мурак-каб ўзбек миллий таомларини ўрганиш исто-гини билдирган пазандаларга ёрдам бермоқ-чимиз. Ўқув муддати уч ойга мўлжалланган, шу давр мобайнида курс қатнашчиларини дастурхон безашдан тортиб, тўғри овақтла-ниш, ўзбек миллий таомларини тайёрлаш ва турли ширинликларни пиширишгача бўлган жараёнлардан батафсил хабардор қиламиз.

— Дарслар қай тартибда олиб борилади?

— Машгулотларда олган назарий билим-ларни курс қатнашчилари амалда ўзлари синая кўрадилар. Улар ҳар қил касб ва тур-ли ёшдаги одамлар, Лекин биз кўпроқ қизлар

қатнашади, деган хаёлга бориб машгулот программаларини тузишда шу ёшларни ҳисоб-га олган эдик. Чунки қиз бир ниҳол, унн бошқа хонадонга ўтказилишнинг жуда жиҳдий талаблари бор. Шунинг учун қиз бола ақли-ни тантанадан бошлаб рўзгор ишларини, ўр-ганиши керак.

Хизматчи Гулнора Соатова билан танишдим.

— Курс ташкил этилганини эшитиб жуда қу-вондик, — деди у, — Ўзбек миллий таомла-рининг шу қадар бой, шу қадар ранг-баранг эканини шу ерда билдим. Мен ўрганиб пи-ширган таомларимни уйдагилар мактаб-мақ-таб ейишди.

Суҳбатимизга илмий текшириш институ-тининг лаборанти Саодат Мухамедова аралаш-ди.

— Қаерга қараманг, тайёр овақтларни со-тиш кооперативлари бор. Шу таомларни тай-ёрлашни ўргатадиган кооператив ташкил этил-ган жуда яхши бўлибди. Ахир, унутилиб ке-таётган миллий таомларимизни ўз қўлингиз би-лан пишириб, оила аъзоларингизни хурсанд қилишга не етсин!

Суҳбатимиз якунида Гавҳар опа шундай деди:

— Қизларимиз, бўлажак уй бекалари кат-та ҳаётга мустақил қадам қўйишдан олдин пазандарик сир-асорларини пухта ўрганиб олсалар, қандай яхши. Энг муҳими, кейинчалик турмушда қийналиб, оқбилак қизлардек бир-овга муте бўлиб қолишмайди...

Дония ЗОКИРОВА,
«Маҳалладаш» мухбири.

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

Бир гап айтсамми, биро-дарлар, сизнинг ҳам тепа со-чингиз тинча бўлади. Ишим тушиб 3-бололар шифохонаси-га борувдим. Не кўз билан кўрайини, шу ердаги 9 қава-тили бино олдига тўпланган ах-латга олов кетиб тутуни ос-монга ўралапти. Жаҳл келган-да ақл қочади, деганлари рост экан, оғзимдан сассиқ гаплар чиқиб кетибди. Қилигиндан уялган бир ўспирин мени юпатмоқчи бўлди:

— Ўзингизни босинг, амаки.

Яхшиси, ҳува анави манзарани томоша қилинг...

Йигит қўл чўзган томонга қарадим: сувсизликдан қури-ган ўт-ўланларга ўт қўйишган экан, ҳўлу қуруқ ниҳоллар ту-таб ётибди. Ёнғим ялаган да-рахтлар думи юлинган товуқ-ча ўхшаб қолибди.

— Майдондаги қуриган хас-чўпларни ёниб ташламоқчи эдик, бургага аччиқ қилиб, кўрпанимиз ҳам куйдириб қўйганимизни билмай қолиб-миз...

Бу гапни айтган киши шу ердаги турар жой номинисси-данми ёки шифохонада иш-лайдими, билолмадим. Аммо бош врачини излаб шифохона ҳовлисига кирдиғу, бу ердаги деворлар тағида уюлиб ётган нуриллаш чиқиндилари, дарво-за олдиданги тор эшилиш ҳов-ли кичидаги беюмларнинг чи-қинтларига кўзимиз тушиб, бе-ихтиёр бурунни беркитишга мажбур бўлдик.

Дидингизга қойилман-э, ши-фокор ақслар!

У ЕРДА ТАРАҚ-ТУРУҚ

БУ ЕРДА КУПЛА-ҚУРУҚ
Сотувчисиз бозорни кўрган-мисиз? Йўқ дейсиз, албатта. Аммо шахримизда бор экан. Ишонмайсизми? Марҳамат, «Марказий» деб ҳатто трам-вайлар пешонасига ёзиб қў-йилган бозорга бир қадам ра-кида қилинг, деҳқон тугул, ҳатто бирор чайновачини ҳам учратолмайсиз. Сарқил ранг-ларга бўялган пештахталар, аjoyиб бостирмалар нуруқ савлат тўниб турибди. Ахир, ҳамма сотувчилар ўзларини

Тоғжойов тажанг шаҳар кезади

«Олой», «Госпиталь» бозорла-рига урғач, бу ерда харидор нима қилсин? Нима, харидор «Марказий» бозорга текни то-мошага кирадими?

Қизни, ишчилар шаҳарчаси, «Қизил Шариф», Гулистон, «Ал-горит» массивлари аҳолиси ўз бозорчаларига эга бўлмас-дан ҳаммаёқда жар солиб ётишибдию, бу ерда зог ҳам учрамайди.

Дунёнинг ишларига ҳайрон қолсан, киши!

Тоғжойов анага укаси Ш. САДИРОВ ҳамроҳ бўлди.

Маҳалладаш

ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО
КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЫ.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент
шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-
уй. Телефон: 32-54-15.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ҳошимжон АЛИМОВ, Рашид-
хўжа АҲМЕДОВ, Шухрат ЕҒУБОВ, Хурсанд МЕ-
ЛИКУЛОВ, Абдуфтоҳ НАБИХУЖАЕВ, Абдулла
НУРИМОВ, Олимжон ОҒТИҚОВ, Шуккур ТЕМУРОВ,
Қодир ФОЗИЛҲУЖАЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР
МАҲАЛЛАЛАР
ИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
КЕНГАШИНИНГ
ГАЗЕТАСИ.
Ҳар ойда икки марта
чиқади.
«Тошкент оғшола»
нашр.

Июль, 1989 йил.
№ 3.

Маҳалладош

Қардошлик — қариндошлик

Туйғулар туташ маскан

Меҳри дарё, бардоши метин, нафрати олов, жасоратда алп бу халқ олдида мен ҳамisha таъзимдаман. Жуда кўп миллат вакиллари даираларида бўлганим, ушандай пайтда деярлик ҳамма «Ўзбек — тоғдай ваэмин, босиқ, андишали» каби сифатларни олишадиган, тагин «Ниҳоятда меҳмондўст, бегараз ва дўстликка ҳамisha садоқатли одамлар» деб қўшиб қўйишади.

Райондаги иккунчи органининг раҳбари сифатида ҳар кунинча ўнлаб одамлар билан учрашаман, маҳаллаларда бўлиб, чойхоналардаги гурунгларида жуда кўп марта иштирок этганман. Шу хилдаги суҳбатларда «Маҳаллам тинч — олам тинч» қабилдаги ёнорани жуда кўп марта эшитганим, ҳамсуҳбатларимдан унинг русча маъини сўраб билгач, ҳайратта тушардим: қизиқ, маҳалла қайдаю, олам қайда? Кейинчалик билсам, бу гап биз руслардаги «Онланг тинч — олам тинч» мақолининг мазмунига монанд экан.

Дарҳақиқат, дунё осойишталиги, аввало, оилада, маҳаллада уйғунлашади. Шу жиҳатдан қараганда маҳалла байналминнал туйғулар туташидиган ажойиб маскан, деб баралла айтаверишим мумкин.

Биздаги 31 та маҳаллада ҳозир 14,5 минг хонадон мавжуд бўлиб, салкам юз мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Жамиятимизнинг бу бошланғич уюшмаларида барча ишлар жамоатчилик кучи, асосан бой ҳаётий тажрибага эга бўлган кексаларимиз раҳнамолигида амалга оширилади. Гражданлик гувоҳномасини топириш, билимлар кунини нишонлаш, ветеранлар билан учрашув, навроз тантаналари, ҳашар номли меҳнат байрамлари, оналик шухрати ва дўстлик кечалари, хуллас, санаб адоғига етиш қийин бўлган шу хилдаги ўнлаб тадбирлар маҳаллалар фаолиятининг негизини ташкил этади.

Ўзбек — ранг-баранг удум ва анъаналарга бой халқ. Аммо дўстлигини, дўстни қадрлаш бу халқнинг энг муқаддас удумидир. Бизда ҳеч қачон миллат сўраб суриштирилган эмас, кўпчилигимиз кимнинг қайси миллатга мансуб эканлигини фақат аҳолининг рўйхатга олиш жараёнида билиб қоламиз. Аммо маҳаллаларимизда барча урф-одатлар бир хилда эъзозланади.

Мана бир мисол. А. Токиев кўчасидаги 8-уйда истиқомат қилувчи Н. Пономарёв ўғлини уйлантирди, рус оиласи томонидан ўзбек удумига риоя қилиб тарқатилган эрталабни ошта учта қўшни маҳалла аҳли келди. Гувоҳларнинг эътирофи эътиҳаш, тўйхонада хизмат қилиб юрганлар орасида ўзбек, рус, украин, корей, татар, уйғур, қozoқ, грузин, латин, тоjik каби 13 та миллат вакиллари бор экан. Эрталаб ҳам, кечкуруни бозода ҳам ўзбек санъаткорлари хизматда бўлишди. Буни биз мустаҳкам дўстлигимизнинг битта ҳаётий ифодаси сифатида сидқидилдан табриқлаймиз.

Районимизда байналминналчилар ҳаракати кенг авж олиб кетди. Унга комитетларнинг раислари, жумладан О. Собирова маҳалласидан С. Мирзаев, А. Токиев маҳалласидан Ш. Темуров, Фуқрат маҳалласидан С. Носиров, «Оқ тепа» маҳалласидан М. Муҳаммадбафоев сингари ўнлаб фаолларимиз бош-қош бўлишяпти.

Биз халқлар ўртасидаги қардошлиқни қариндошлиқдан афзал деб биламиз. Зеро шоир «уйнинг ҳамisha дўст билан ободу завоқ», деб бежиз айтмаган.

Г. МЕДНИКОВ,

Акматав Икромов район Совети иккунчи комитетининг раиси.



Киров районидаги Фирдавсий маҳалласининг тои маънодаги қардошлик оиласи, деб айтиш мумкин. Бу ерда ўндан ортқ миллат вакиллари истиқомат қилишади.

СУРАТДА: маҳалла фаолларидан бир гуруҳи.

Т. Каримов суради.

Инсонийлик сабоқлари

Меҳр ирмоқлари

Бу воқеага ўзим гувоҳ бўлганим: кечки пайт эди. Ақил-хушини таниб қолган ёшгина қизча бир ўсмирни етаклаб 29-болалар уйи олдида етиб келганида ун юзларидан нур таралиб турган ўрта яшар жувон тўхтади:

— Қоерга кетаяпсан, қизим?

— Мановини болалар уйига топишмоқчиман.

— Укангми?

— Йўқ. Онаси «Ғалаба» паркида ичиб, йиқилиб ётган экан. Бир амалик ун хўшёрхонага олиб кетди, менга эса буни шу ерга топишришни илтимос қилди.

— Боланинг оти ким? — кўзларидан жикка ёшнинг артиб сўради аёл.

— Давлатжон. Ўзи шунақа деди.

— Бўпти. Сен кетавер, қизим. Болани ўзим топишарман.

Қизча ўзоқлашгач, жувон ҳўнграганича йиғлаб болани бағрига босди:

— Ичмай ўлсин онанг, илоё, фарзанд узоли урсин ун!.. Менга қара, Давлатжон, сени ўғил қилиб олайми?

— Ароқ ичмасангиз, майли... Шундай дея Давлатжон чўкалаб ўтирган жувонни қучоқлаб олди. Оналик меҳри жунбушга келган аёл йиғиси фарёдага айланди.

— Боланинам, ўзининг полвоним, — шу сўзларини тинмай тақрорларди жувон, — сени ҳеч кимга бермайман...

Иккундан чиқиб, бу манзарани унсиз кузатиб турган болалар уйи тарбиячиси Холидагон Каримова киприкларидан ҳам ёш қалқиди.

— Болани ўғил қилиб олмоқчимисиз, она? — сўради Холидагон. Аёл бош қимирлатиб ризолик билдиргач, тарбиячи ҳужжатларини расмийлаштириш йўл-йўриқларини тушунтирди.

Бу воқеани батафсил ҳикоя қилишимдан босқ шунки, инсон қалбиданг энг нозик туйғу бўлиши меҳр-оқибат эътиросли экан, тўдайлар ҳеч қачон қаровсиз, кексалар асло эътиборсиз қолмайди.

Маҳалламиздаги 497 хонадонда 3 мингга яқин киши истиқомат қилади. Кўпчилик «Маҳаллаларда кишилар бир-бирларига анча оқибатли» деган фикрда юришибди. Аслида бу — тўғри гап, Ҳўш, нега шундай? Бу саволга мен «Маҳаллада доно кексалик, ҳаётнинг ечқич-чучуғини тотиб қўрган кишилар ҳакамлик қилаётгани учун ҳам одамларимизда оқибат, меҳр-шафқат кучли» деб жавоб берган бўлур эдим. Юқориде тилга олганим ўша жувоннинг ўсмир тақдирига юраги ачишиб, фарзандларни қаторига қўшиб олишга жазм қилганлиги ҳам меҳр ирмоқлариданг оқим ҳали жушқин ва тиниклигидан далолатдир.

Комитетларимизда «смайда-чўйда» иш бўлмайди, ҳамма нарсаси сидқидилдан, жиддий эътибор билан ёндошлади. Мана, онлашви мождарларни олиб кўрайлик. Қўйдик-чиқдик остонасига етиб келиб қолган эрхотинлар билан 5—6 маротаба суҳбатлашлади, ҳеч чораси топилмагандан кейингига халқ судига ҳавола қилишга мажбур бўламиз.

Менинг олти фарзанд, ўн олти неварам бор. Аввало, меҳр-шафқатини, инсоний қадриятини кичиктоилар қалбига уларнинг суяги қотмасдан туриб сингдириб бориш керак. Бу мураккаб ва ниҳоятда жиддий масала илк бор онлада қарор топиши лозим.

Ориф АЛИМАХСУМОВ,

Ўзбекистон ССР халқ артисти, «Яккабоғ» маҳалла комитетининг раиси.

Бугун минбаримизда

ОКТАБР РАЙОНИДАГИ «ИЛГОР» МАҲАЛЛАСИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ СЕКРЕТАРИ БЕК ҚОРАБЕКОВ

Фаолиятнинг иккинчи умри

— Тўғри, пенсияга чиққан дастлабки купларини ўзимни қўрага жой тополмай юрган пайтларим кўп бўлди. Йхшамки, маҳаллам, унинг Ҳошим ака, Маҳкам ака, Носир ака, Файз ака сингари сардорлари бор экан, ўз сафларига тортишди. Мана, икки йилдан буён маҳалла партия ташкилотига етакчилик қиламан. «Демак, ҳали одамларга керак эканман», — шу фикр менга куч-қувват бағишлайди. Худди ана шунинг учун ҳам фаолиятнинг иккинчи умри маҳаллада бошланганига тўла ишонч ҳосил қилдим.

Маҳаллада қилинадиган ишлар, ечимини қутаётган муаммолар жуда кўп. Оилавий, тотуллик, ёшлар тарбияси, хукуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш, байналминнал аҳилик, удум ва анъаналаримиз тарбияти, тўй ва маракалар, ободончилик, хуллас, ташкилотимизга бйлашган 120 коммунист ва 350 нафар комсомоллар бош қотарадиган ваазифалар тўлиб-тошиб ётибди.

Партия ташкилотимиз биринчи навбатда асосий эътиборини 196 нафар уруш ва меҳнат ветеранларига қаратди. Мақсад — мамлакатимиз раънақи учун жонбозлиги кўрсатган бу кекса-

ларни ёлғизлатиб қўймаслик, уларини маҳалла фаолиятига кенгроқ жалб этишдан иборат эди. Шунга эришдиш ҳозир ҳар бир ветеран жамоат ишчининг у ёки бу тармоғида иштирок эташпти.

Маълумки, маҳалла шу маскан аъзоларининг умумий хонадони. Бу ерда шодлигу ташвишлар бора баҳам кўрилади. Энг майда қинғирлик ҳам шу аҳли оила назаридан четда қолмайди. Демак, бу ерда ҳеч ким ахлоқ ва одоб доирасидан четга чиқолмайди. Гарчи бирор салбий ҳодиса рўй бериб қолгудай бўлса, шу захотиёқ оқсоқоллар кенгаши, ўртоқини суди, партия ташкилоти ва ниҳоят комитет дарҳол

ҳаракатга тушади. Айниқса, доно кексаларимиз дашномига ҳеч ким, тоб беролмайди. Емон қилиги туфайлан кўнчилиқ назорати остига тушган шахс ё ўзиданг иллатлардан кечиб кутулади, ёки маҳалладан кўчиб кутулади. Маҳалладан кўчиш эса ўзбек оиласи учун аждоддан авлодга қоладиган энг оғир исноддир.

Маҳалламизда ўн бир миллат вакиллари истиқомат қилишади. Ҳар бир халқнинг ўз удуми, ўз урф-одатлари бор. Биз бир-бирларимизнинг тарихий анъаналаримизни ҳамisha ҳурмат қилиб неғаманим, ёшларимизни ҳам худди шу руҳда тарбиялаганимиз. Кўпчилигини ўзбеклар ташкил қилгани учун

ҳам бошқа миллат вакиллариинг деярлик ҳаммиси маҳаллий тилини яхши ўзлаштириб олишган. Бир-бирларимизнинг маърака ва тўйларимизда меҳмон эмас, меҳмон сифатида иштирок этаётганлигимиз учун ҳам оралидаги меҳр-оқибат тобора кучайиб бормоқда.

Барча ташкилий, сидсий-тарбиявий ишларга ҳамisha бўлгани каби партия бюроси бошчилик қилади. Н. Тригулов, С. Вагавиддинова, С. Азимова, М. Каримов, Н. Зиёмов, З. Эгамбердиев, М. Ҳўжаева сингари коммунистларимиз ҳозир маҳалла комитетининг ҳақиқий суяниқларига айланиб қолган.

Буларнинг ҳаммиси маҳаллада барча ишлар жойида экан, деган маънони билдирмайди. Камчиликларимиз, ҳауузгача ҳал қилилмаётган муаммолар алчагига, жумладан, баъзи кўчаларимизни қайта асфальтлаш талаб этилади, кўмилиб қолган ариқ-зовурларни очиб, оқова сув билан татыминлаш зарур.

Ишончим комилки, маҳалла партия ташкилоти бу муаммоларни ҳал этиш учун начили кураш олиб боради, уларнинг ечимига албатта эришади.



Бу киши—биздан

«Отчопар»лик Илҳом ака

Улуғ Ватан уруши ветерани В. Ғуломов. — Шунинг учун ҳам халқ қалбидан чуқур ўрин олган. Маҳаллада ким қайси масала юзасидан мурожаат қилмасин, албатта вақт топиб, эътибор беради. Жамоат иш-ни чин дилдан бажараяпти.

Унинг фикрини маҳалладаги бошқа кишилар ҳам тасдиқлашди. Илҳом ака Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикасида мастер бўлиб ишляпти. Маҳаллада эса одамлар ташвиши билан яшайди. Комиссия аъзолари хотин-қизлар Кенгаши вакиллари билан бирга тўй бўлаётган уйга ташриф буюришади. Хонадон катталари билан қуда томонга берилмаган қалин, сарф-харажатлар, келиннинг сепи эл қатори бўлишига келишиб оладилар. Эндиликда келинга қилинадиган кийим 4—5 сидра, биллурлар 2 йғмадан ошмаслиги, тилла тақинчоқларни ҳам анча камайтиришга эришяпти.

Ҳозир маҳаллада 5 минг нафар аҳоли бор. Кўп хонадонларда 2-3 тадан оила яшаётгани учун жой торлик қилапти. Шу сабабли тўйлар кўпича кўнаник икки томони тўқиб ўтказилмоқда. Маҳалла фаоллари замонавий маданият уйи қуриб, тўйларни шу ерда ўтказиш масаласида депутатлар ва район раҳбарларига мурожаат қилишди. Ҳозирча, бирор натижа йўқ.

— Маҳалламизда уч минг аёл истиқомат қилади, — деди Илҳом ака. — Агар Маданият уйи бўлса онахонларимиз тугун кўтаришдан қутулардилар. Чунки тўй шу ерда ихчам қилиб ўтказиларди.

ЗАГС қозонини ҳам тантанада топшириш мумкин.


— Бизнинг олдимизда саннат корхоналари кўп, — суҳбатга қўшилди маҳалла комитетининг раиси М. Алимов. — Шу сабабли аҳолининг 60 фоизини ишчилар ташкил этади. Мақсадимиз тўйларни кам харажатли қилишдир.

Кейинги 2 йил ичда маҳалла комитети 50 дан ортиқ қўйди-чикди масалаларини муҳокама қилди. Оилавий мурожаатлар кўпайиб кетганлигининг асосий сабаби ёшлар бир-бирларини яхши билмай турмуш қуришадигани, қайна-келинининг чиқишмаслиги, баъзан эса етишмовчиликдан десак бўлади. Илҳом ака оилавий муносабатларни яхшилаш мақсадида хонадонларда тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. Тўйдан олдин эса қиз ва йигит томонини суриштириб, ёшларнинг бир-бирига муносиб эканлиги аниқланаяпти.

Маҳаллада яшовчи Карим Йўлдошев, Собиржон Обидов, Қодирхўжа Маҳаматхўжаевларнинг хонадонларида тўй маросимлари файзли ва ихчам ўтди.

Тўй пайтида келин-куёвнинг оналарини ўртага тақдир қилиб, гулдаста тақдим қилиш, шезерий табрик тайёрлаш, дарага файз киритадиган урф-одатларни тадбиқ этиш... Шуларнинг барчасига жамоат топширигини жонкуярлик билан бажараётган Илҳом ака Раҳимов бош-қош бўлаяпти.

Комил МУҲАМЕДОВ, Киров районидаги «Отчопар» маҳалласи тўй комиссиясининг аъзоси.



Ичимликлар ичра роҳатижон чой!
Сураткаш Р. Шарипов лавҳаси.

Куюнчаклар мактуби

Жиддий муаммо

Бундан бир неча йил муқаддам маҳаллага қарашли бўш майдонда Акмал Икромов район газлаштириш идораси учун янги бино қуриладиган бўлди. Уни аҳолини оқар сув билан таъминлаб турган катта ариқ устига қуриш планлаштирилди. Маҳалла комитети аъзолари қурувчиларни ва пудратчи ташкилот раҳбарларини оғоҳлантириб, мазкур ариқни бошқа қулайроқ жойдан ўтказиб юборишни тақдир қилди. Масъул ўртоқлар «Хўп, айтганларингиз бўлади», — дейишди-ю, лекин ўзлари билганларича иш қилиб газлаштириш идораси, қуриб битказилгунча ариқни бутунлай йўқотиб юборишди.

Маҳалламизнинг юқори тарафидagi юзлаб хонадонлар ўз дарахтларини ва ёнларини мазкур ариқ сувидан сугоришар эди. Ҳозир аса водопровод сувидан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Бунинг оқибатида ичимлик сув танқислиги юзга келмоқда. Бу — жиддий муаммо, аммо мутасадди ташкилотлардаги масъул ўртоқлар кўниб юборилган ариқни очиш ўрнига ҳанузга-ча бизни қуруқ ваъдалар билан юпатиб келишмоқда. Хўш, қачонча?

Муҳаммадсафо МУҲАММАДВАҚОВ,
«Отчопар» маҳалла комитетининг раиси.

Аччиқ, аммо очиқ гап Алдашди...

Шу йилнинг 17 июль куни Чилонзор районидаги «Москва» маҳалласи аҳолининг дили хуфтон бўлди. Негаки, район ижроқўми раисининг ўринбосари К. И. Кеннинг, озиқ-овқат савдоси бўлими бошлиғи И. И. Йўлдошев ҳамда «Водоканал» трести бошқарувчиси З. Солихунаев ўртоқлардан иборат бир гуруҳ раҳбарлар берган ваъдаларига мувофиқ маҳалламизда ўзлари белгиланган учрашувга етиб келмадилар. Юзлаб одамлар уларни нўзалари тўрт бўлиб кутишди. Ниҳоят кайфиятлари бузилиб, кечаси алламаҳалларда тарқалишди. Маҳалламиз доирасида ҳал қилинмаган талай муаммолар бор эди. Собик Обод, Қатортол, Йўтайқўрғон, Қўтарма йишқонлари ўрнидаги уйларимиз бузилиб, ҳозирги турган жойларини маскан қилиб олганимизга ҳам мана 25 йил бўлди. Бир томонимизда «Алгоритм» массиви, яна бир томонимизда Чилонзорнинг 20-квартали, биз ўртадамыз. Кўп қаватли уйлардаги аҳолига деярли барча коммунал хизмат турлари яратиб берилган. Бизнинг чорак асрдан буён канализация қурувлари ётқизиш ҳақидаги ялтиросишимиз эътиборсиз қолиб кетмоқда. Натияжада 4 минг кишилик маҳалла аҳолининг юзлаб болалари турли хил касалликларга дучор бўлмоқдалар.

Биз «Алданишга кўпдан ўрганиб қолганимизку, нега энди ҳафа бўласизлар», дея нексаларимизни юпатмоқчи бўлсак, улар «Алдамчилик қайта қуриш принциппига ёт эмасми?» деб жавоб қилишди. Ҳа, бизга нисбатан алдагани бола яхши қабилда иш тутишди, аммо биз бола эмасмизку? Ахир, учрашув талаб-буси ҳам раҳбарларнинг ўзларидан чиққан адилку?

«Москва» маҳалласи аҳли номидан:
Т. ЮНУСОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси,
И. ИСРОИЛОВ,
маҳалла комитети раиси,
А. МАҚСУДОВ,
М. МАЪМИРОВ, Х. НАСРИДДИНОВ, маҳалла аҳли вакиллари.

Гапнинг лўндасини айтиб қўя-қолайлик. Шаҳримизда бир кунда 3 минг 200 тонна ахлат тўпланар экан. Бу уюмларни «Автодормех-баз»нинг 744 та машинаси ташиб кетиши лозим. Бироқ, бу техниканинг 158 таси ҳамиса бузуқ. Шунингдек, тагин ремонт қилишга етарли шaroит, эҳтиёт қисмлар етишмаслигидан ҳар кун 100 тадан 130 тагача автомашина герайда мудради. Шаҳар ободонлаштириш бошқармасига мурожаат қилдик. Нима қилса аҳвол ўзгаради? Мутасадди ўртоқларнинг айтишича, яна шундай махсус машиналардан 833 та бўлсагина шаҳардаги ахлатни олиб чиқиш тўла таъминланар экан. Ҳозир эса «Автодормехбаз» парклари бундай имкониятдан маҳрум.

Санитария хизматининг маълумотларига кўра шаҳарда кунига ҳар бири 4 минг тоналари ташкил этувчи 50 дан 80 тагача йирик ахлат уюмлари ҳосил бўляпти. Бу уюмларнинг атиги 8—12 фоизгина Тошкент рўзгор чиқиндилари экспериментал заводига келиб тушмоқда, холос. Қолган ахлатлар эса санитария хизмати кўзидан нарироқ жойларга ташланапти. Бундай аҳвол, айниқса, Киров, Ҳамза, Чилонзор, Сергели ва А. Икромов районларида ниҳоятда ачинарлидир.

— Менинг уйимдан 5 метр нарида ахлат уюмлари тўпланадиган бўлиб қолди, — дейди Қуйбишев шоссе, 3/37-уй, 2-квартирада яшовчи А. Банутин. — Бу ахлатлар вақти-вақти билан тўтаб пойтахт ҳавосини захарламоқда.

Маълумки, ахлат тўпланадиган майдон Тошкентдан 32 километр нарида жойлашган. Аммо баъзи ҳайдовчилар бу ерга қатнашдан эринишади.

Чилонзор районида бўлди.

— Кейинги пайтларда фаррош-

лар умуман кўринмайди, — деди 10-квартал, 53-уйда яшовчи В. Ғусеаев. — Оқибатда ҳаммаёқ ифлос, ахлатлар уюлиб ётибди.

Чилонзор районидаги 5, С. Раҳимов районидаги 81, Октябрь районидаги 1-турар жой эксплуатацияси бошқармалари раҳбарларининг ўз вазифаларига лоқайдлиги тўғрисида ертўларда чивинлар «бозори» пайдо бўлаяпти.

Рейд

Доғлар

«Марказ—13» турар жой комитети раиси З. Еқубов шундай деди:

— Комитетимиз ихтиёридаги 18, 19, 20, 21, 22-уйларда 20 дан ортиқ миллат вакиллари аҳил-иноқ яшайдилар. Ҳар бир уй олдидаги ариқда қўлмак сув сасиб ётибди. Бу ерда фаррошларни иримиға ҳам тополмайсиз. Ёшлар учун қўнмилли ҳовузига ифлослигидан ҳатто қурбақалар ҳам «калла» ташламайди. Болалар майдони яроқсиз аҳволда. Бу ҳақда Октябрь район 1-турар жой бошқармасига айтсак, у ердаги ўртоқлар пинагини ҳам бузишмади.

С. Раҳимов районидаги аҳвол янада аянчли. Келинг, Марказ—17 массивида яшовчиларнинг ўзларидан эшитақолайлик. 1/12-уйда яшовчи Жамила Орипова:

— Сичқон, чивиндан тўйдик. 7/30-уйда яшовчи Насиба Тўлаганова:

— Ёзда ҳам батареямиз исиб ётади. Табиатнинг 40 даражали иссиқлигининг ўзи етмайди, ахир!

13/246-уйда яшовчи Раъно Усмонова:

— Қувуримиз ёрилган эди. Турар жой раҳбарлари аланимизга шашма қилишди, тушунмаямиз, нимага шашма қилишадиган экан-а?

7-болалар клиникаси шифокори Мастура Минахмедова:

— Болалар чўмилмаган ҳовуз ахлатхонага айланиб қолган. Пашша ва чивинлар кенсалар ва чақалоқларгагина эмас, ҳатто соғлом кишиларни ҳам аридай талайпти. Бу ҳақда тегишли жойларга шикоят қилганимизга 12 йилдан ошди...

Мана, биз шаҳарнинг санитария ҳолати ҳақида бир чимдимгина изоҳ бердик. Аммо ЖЭУлар фаолиятидаги суствашликнинг боиси нимада? Бу саволга ижрокомларнинг раҳбарлари икки оғиз сўз билан жавоб бериб қўяқолишди.

— Ишчилар етишмайди! Пойтахтда 40 минг студент таҳсил олмоқда. Уларнинг кўпчилиги бўш пайтларини Чорсудаги мардикор бозорида ўтказишяпти. Нега шу талабаларни шартнома асосида ишга қабул қилиш мумкин эмас? Ахир, улар мавсумий ишларини бажаришлари мумкин-ку!

Хуллас, шаҳримизнинг санитария аҳвали талаблар даражасида эмас. Турар жой бошқармалари, маҳалла комитетлари, район ижрокомлари саломатлигимизга бори тақалладиган бу масалага жиддий эътибор беришлари керак.

Уйғун ШОРИХСИЕВ, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси вақти.

Фатхулла ЖАЛИЛОВ, шаҳар халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, «Маҳалладош»нинг жамоатчи муҳбири.

○ ЧАЕН ЧИҚҚАНИ УЧУНИМ?
А. Иброҳимов номли маҳалла комитетининг раиси **И. Оқирмаев** ўз сўзини шу савол билан бошлади. Гап шундаки, район халқ таълими бўлими раҳбарлари шу маҳалладаги атиги биттагина мактабнинг қайси бир сифидан чаён чиққани учун бу илм даргоҳини дарҳол бузиб ташлаш, болалар ва педагогларни 3—4 километр наридаги 249-мактабга кўчириш ҳақида буйруқ чиқаришибди.

— Аввало, — дея сўзидан давом этди маҳалла етакчиси, — шу мишмишга ишониб 17 та хонаси бўлган ва ҳатто зилзилада ҳам бирор жойи дарз кетмаган мактабимизни бузиш шартми? Уни биз шу атрофлар колхоз бўлган пайтларда ҳозир маҳалламиз унинг номи билан аталадиган марҳум раисимиз бошчилигида пишиқ-пухта қилиб қурган эдик. Мана, кўриб турибсизлар, мактаб атрофлари мевазор боғ. Агар бузиш бошланса, мевали дарахтларнинг деярлик ҳаммаси кесиб ташланади. Битта кўчат ўтқазиб, уни камолга етказиб кўрингчи?

— Бундан ташқари, мактаб олди ва орқасида салкам беш гектарлик майдон бор. Албатта шу бинони бузиб, мактабни фақат унинг ўрнида қуриш кимга зарур бўлиб қолди экан! Шаҳарда турар жой программаси бажарилиши хавф остида эканлигини яхши биламиз. Бу бинодан боғча, майиш хизмат маркази ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин-ку. Тўғри, бизга янги мактаб керак. Аммо уни шу кенг майдоннинг истаган жойида қуриш мумкин. Шу уч маҳалладаги ҳар бир хонадонда 8—10 тадан фарзанд бор. Хамиша иш билан банд ота-оналарни болаларини узоқдаги мактабларга етаклаб овораю сарсон қилиб қўйиш инсофдан эмас. Мактабимиз бузиб ташланмаслиги керак!

○ ЎЗБЕКИСТОННИ АФРИКА ҚИТЪАСИДАН ИЗЛАШАДИ! Ўз нутқини ўқитиш ишлари савиясида бағишлаган маҳалла комитети аъзоси **Р. Отабоев** қизиқ бир воқеани гапириб берди.

— Зарурат билан 249-мактабга борган эдим. Нима бўлдию, ўз фарзандим қатори бошқа болаларнинг ҳам билим даражасини синаб кўригим келиб қолди. География дарси экан. Харитадан республикамизни кўрсат, деб савқиниқни синф болаларидан бирга мурожаат қилдим. У қизариб-бўзариб: Ўзбекистонимизни Африка қитъасидан излай бошлади. Иккинчи бировидан беш миллион рақамини ёзиб беришни сўрадим. «5» рақамини ёздию, нариёгини эплай олмади.

Бу фактларни шунинг учун ҳам тилга олаётганим, район халқ таълими бўлими раҳбарлари ҳар кунги тупна-тузук мактабни бузамиз, деб маҳаллага келиб, одамларни безовта қилвермасдан юқоридagi муҳим муаммо билан шугулланишса, яхши бўлур эди. Маҳалла ахли мактаб қурилмасдан туриб, эскисини бузиб ташлашга асло йўл қўймайди. Чунки ҳаммамиз бузиш осон, янгисини қуриш эса ҳўзалиб кетишни яхши биламиз. Бунинг устига жой бўлгани ҳолда эски мактаб ўрнига янгисини қуришга интилиш ҳўжасизликнинг ўзгинаси-ку! Яхшини, ичимлик суви таъминотини йўлга қўйиш керак. Болаларга овқат пишириш учун суви челақлаб анча узоқдаги водопроводдан келтиришади.

○ ЙЎҚ, БУЗИШ КЕРАК! Район халқ таълими бўлими мудир **М. Одилов** ўз нутқининг охиригача шу гапни ўн мартадан кўпроқ такрорлади. Аммо у нега шундай қилиш керак, деган саволга исботли бирор жавоб қайтаролмади: бузиш керак, вассалом!

— Биз, — деди мудира, — район ижроком раҳбарлари билан шунга келишганмиз. Мактабга туташ аяни катта майдондаги тутзор колхоз ихтиёрида бўлса керак, деб ўйлаб юрган эдик. Ҳозир маълум бўлибдики, у ҳам маҳалла билан бирга шаҳарга қўшилиб кетган экан. Бироқ бу «янгилик» ҳам бизни фикримиздан қайтара олмайди. Чунки лойиҳа-смета

ҳўжжатлари аллақачон тузиб қўйилган. Тўғри, сал нариқондаги мактабга боласини элтиб қўйишда ота-оналар бироз қийналишади, аммо начора, ижроком мактабни бузишга қарор қилганим, энди уни ўзгартиришга ҳаққимиз йўқ. Янги мактабимизда кенг ва ёруғ хоналар, ҳовуз, иккита спорт зали бўлади, марказлашган ҳолда иситилади. Бироқ қурилишни нариқонга силжитиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Негаки, мактабда чаён чиққан эмиш, болалар ҳаётини хавф остида қолдирмаймиз.

га дастурхон ёзади. Нонни ушатаётган пайтда йигитлар кексага таппа ёпишиб, кўл-оғини боғлашади. Опоз чиқармасин деб оғзини лейкопластир билан чандиб ташлашади. Аммо жабрдийда жон ҳолатда бир марта бақиринишга улгуради. Одамлар тўплалиб, қочинишга улгуролмаган ўғиллардан бирини ушлашади.

Шунга ҳам икки йилга яқинлашиб қолди. Ана кўринглар, жабранувчининг кўл-оғлари мажруҳ бўлган, тишлари синдирилган. Эшитишимизга қараганда ўғилларнинг иккитаси ҳанузгача озодликда ялло қилиб юри-

дадик, ҳатто уларнинг баъзилари устидан жиноий ишлар қўзғатилди.

Имкониятдан фойдаланиб, бир илтимос билан мурожаат қилмоқчиман: ходимларимиз обрўсини тиклашда бизга ёрдам беринглар. Бизда ҳаётини ҳар кун хавф остида қолдириб, ўз бурчини сидикдидан бажарётган фидокорларимиз жуда кўп. Ҳозир «Маҳалладош» шаҳарликларнинг энг суюкли газетасига айланиб қолди. Маҳалладардаги энг тажрибали участка инспекторлари фаолиятини омалаштиришда жажжи газетамиз бизга кўмак берар, деган умиддамиз.

○ ЕРДАМГА ТАЙЕРМИЗ. Калинин районидаги Калинин номли колхоз раиси **Р. Каримов** ўз сўзини ана шу ваъда билан бошлади.

— Ҳа, қачонлардир ўзимизнинг колхоз бўлган шу учта маҳаллага бизнинг коллектив ҳўжалигимиз аъзолари ўз ёрдамларини ҳеч қачон дариг тутмайдилар. Лекин биринчи галда ариқларнинг қўзини, йўлини очиш керак. Собиқ колхозчиларга нима бўлди? Олма пиш, оғзимга туш; деб оғзини очиб ётавермасдан кишиларни ҳашарга чорласан керак, тўпланиб ариқ-зовурларни тозалаш керак. Баъзи бировлар шундоқ ариқлар устига участкалар қуришибди. Мен Зарбдор кўчасидаги хонадонларни назарда тутаяман. Ахир, бу қонунга хилофку. Ариқларнинг йўли тўсилганда, ҳозиргина кўриб ўтдик. Форобий кўчаси дарёга айланиб қолибди.

Дўконда арақ ўрнига сабзавот сотиш масаласига келсан, буни савдо корхоналари раҳбарлари ҳал қилиб берсин, биз эса мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари билан дўконни муттасил таъминлаб туришга тайермиз.

○ ШАҲАР КЕЗСИН РАҲБАРЛАР. Йигилда сўз олган «Правда» маҳалла комитетининг раиси **Х. Даминов** район раҳбарлари шаънига айрим эътирозларини айтиб, улар бот-бот кўчаларни айлансалар чакки бўлмасди, деди.

— Бунинг фойдали томони шундаки, баъзи ўзбошимчалар кўчаларнинг бир қисmini ҳовлига қўшиб олишдек ноҳўжа қадамдан ўзларини тийиб туришарди. Шундоқ ариқлар устига уй қурилгани учун ҳам ҳозир оқар сувдан маҳруммиз.

Илгари уйларимизда ҳафтада бир челақ ҳам ахлат чиқмасди. Негаки, қогозларни, ёкиш мумкин бўлган хас-қўпларни оз-оздан кўйдириб ташлаб, кули экниларга сочиб юбориларди. Энди-чи? Ҳовлиларимизда ҳар кун 2—3 челақ ахлат тўпланиб қолмоқда.

Кўчаларимиз номларининг жозибаси ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Мана, бизда «Қуролланиш» деган кўча бор. Ҳуулас, муаммоларимиз кўп. Аммо уларни бир ҳамла билан бартараф этиш қийин.

○ ВАЪДАЛАР ВА РЕЖАЛАР. Шаҳар сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи **Л. Мухаммаднзаров**, район сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи **А. Зафаров**, бош инженер **А. Ақронов** ва бошқалар мавжуд камчилик ва нуқсонларни ўзғари билан бир ҳафта, ўн кун ичида бартараф этишга ваъда бердилар. Ҳўмладан, маҳалла меҳнаткашлари кўмағида ариқлар қўзини очиш иши уч кун ичида бажарилади. Бошқарма ва бўлим зарур техникани етказиб беради. Жамоат тартибини мустаҳкамлаш учун участка инспекторлари масъулиятини янада оширилади. Мактабни кўчириш лойиҳа ҳўжжатлари тайёр бўлгунча қолдирилади ва уни безмаслик масаласи райижижрокомда кўриб чиқилади.

Юзма-юз мулоқотда Тошкент шаҳар Совети ижрокоя комитети раисининг ўринбосари **Х. Е. Оқунжонов**, шаҳар партия комитетининг масъул ходими **Ш. Екубов** сўзга чиқдилар. Урашувга шаҳар маҳаллалар ишнини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси **Қ. Фозилхўжаев** якун ясади.

Абдулла НУРБЕК.

Маҳалладош

Юзма-юз мулоқот

Шаҳар маҳаллалар ишнини мувофиқлаштириш кенгаши аъзолари ҳамроҳлигида бу гал жажжи газетамиз Собир Раҳимов районидаги **Х. Тошмухаммедов** номлидаги маҳаллада жойлашган яккаю ағона саккиз йиллик мактабнинг соя-салқин ҳовлисида меҳнаткашлар билан учрашди. Бу ерга қўшин **А. Иброҳимов** номли ҳамда «Правда» маҳаллаларидан ҳам жуда кўплаб кишилар келишди. Шаҳар ободончилик, сув ҳўжалиги, халқ таълими, ички ишлар ва бошқа бир қатор бошқармалар раҳбарлари, партия ва совет органларининг масъул ходимлари таширф бўуришди.

Миябарга кўтарилганларнинг ҳаммаси маҳаллалар кўзгуси бўлиши «Маҳалладош» газетасининг нашр этила бошланганини табриклаб, бунинг учун шаҳар партия комитетига миннатдорчилик изҳор этишди. Айниқса, мувофиқлаштириш кенгаши ва газета ижодкорлари ташаббуси тўғйили шаҳар раҳбарлари билан юзма-юз мулоқотда бўлинатганлиги жуда катта наф келтираётганлиги таъкидлаб ўтилди.

— Илгари раҳбарларни, — деди саксон яшар Сафар ота, — фақат катта йигилларнинг миябарларида, президиумларда, баъзан телеэкранларда кўриб қоладик. Қайта кўриш шарофати тўғйили няхўят узлар одамлар орасига келадиган ҳам бўлишди. Бу, мавжуд муаммоларнинг катта қисmini бевоcита шу ерининг ўзида ҳал этиш имкони беради.

Ҳозир мактаб инвентарларини кўчиришга киришдик. Болалар билан бирга педагоглар ҳам қўшни мактабга кўчиб ўтишди. Шунга қарор қилганмиз. Ортиқча гапга ҳўжат йўқ...

Бироқ мудира маҳаллалар ахли вакиллари томонидан берилган кўплаб ўринли саволлар қаршисида ниҳоят текинишга мажбур бўлди. «Кўч-кўча» ни яна ўн беш кун орқага суришга қарор қилинди, бу масалани узи-кесил ҳал этиш юзасидан уч кишидан иборат «обрул комиссия» ташкил этилди. Комиссия район ва шаҳар мутасаддилари билан музокаралар олиб боради.

○ ЎҒРИ КўЧАДА УШЛАНСА... Дарҳақиқат, уйингизга ўғри тушсаю, уни қўзлаб кўчада ушлаб олсангиз у ўғри ҳисобланмас эмиш. Шу иш билан шугулланган жинсий-қидирув инспектори ана шундай деди, бу гапни маҳалладаги ўндан ортиқ киши ўз кўлоқлари билан эшитибди. Сўзга чиққан **Х. Тошмухаммедов** номлидаги маҳалла комитетининг раиси **Т. Абдуллаев** ана шу мазор билан боғлиқ бўлган тафсилотни гапириб берди.

— Маҳалламизга бир неча бор ўғри оралади, — деди у, — олдин бировини ушладик. Уни кўчада ушлаганимиз учун милиция ходимининг гапига кириб қўйиб юборишга мажбур бўлдик. Қизиқ, ўғрининг ўғри эканлигини исботлаш учун уни кўчада ушлаб, яна суяраб ҳовлига олиб кириш керак эканда-а?

Иккинчисини маҳалламизнинг ҳурматли фаолларидан бирининг уйида кўлга туширдик. Акашонимизга соддадиллиги панд берди. Айни, туш пайтида олифта кийинган, қўлида бежирим папка ушлаган уч йигит унинг дарвозасини тақиллашди. Йигитлар «фалон-писмадон идорадан келганлигини айтиб, ҳўли гаплайиш истаги бурглигини билдиришди. Акамиз ўзбекка хос тавозе билан уларни ичкарига тақлиф этади, олдилари-

шибди, бирови эса амал-тақал қилиб панжара орқасидан чиқадиган кунни кутиб ётибди...

○ ЭНДИ ШАҲАТ БўЛМАЙДИ. Ўғриларга, безориларга, умуман тартиббузарларга ҳам, уларга озми-кўпми ён босаётган бизнинг орамиздаги баъзи эғри кўллارга ҳам энди раҳм-шафқат қилинмайди, — деди шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлғининг ўринбосари, милиция полковниги **И. Абдуғаниев**. — Шаҳардаги тартиббузарликларга келсан, буларнинг биринчи галдаги айбдори ичкиликбозликдир. Мана, ҳозир кўз ўйинигизда бўлган воқеани олиб кўрайлик. **А. Иброҳимов** номли маҳалланинг катта кўчанинг шундай бошдаги чойхонасида «азаматлар» бемалол арақ ичиб ўтиришибди. Жамоат жойларида ичкилик ичиш тартибини бузганликлари учун беш киши устидан акт ёзилди. Ҳозиргина сўзга чиққан ўтоқларнинг бизнинг шаънимизга айтган баъзи фикрлари ҳақлигини шу воқеанинг ўзи ҳам исботлаб турибди. Чиндан ҳам бизнинг баъзи участка инспекторларимиз ичкиликбозликка қарши курашни анча сусайтириб юборишибди. Уларга нисбатан тегишли чораларни кўраимиз; албатта, Лекин шу ерда гапирган **Қ. Тўрахонов**нинг магазин ёнидаги дўкончада арақ ўрнига сабзавот сотишни ташкил этиш ҳақидаги фикрларига тўла қўшиламан. Маҳаллага туташ Калинин номли колхоз раиси **Р. Каримов** ҳам шу ерда яшар эканлар, маҳалланинг бир жонкуяри сифатида сабзавот дўконини очиш ва уни сархил маҳсулотлар билан таъминлаб туришни ўз зиммаларига олсалар ёмон бўлмасди. Шунда маҳалла ахли ҳам арақ балосидан қутиларди, ҳам икки кидо картошка учун анча узоқдаги бозорга қатнаб овора бўлиб юрмасди.

Эътиборларингизга яна шунини етказмоқчиманки, ички ишлар органларига суриштириб кириб олган жуда кўп пулпарист ходимларнинг сафимиздан ҳай-

